Комс. комитетлар архиви УзССР
18 ОКТ. 1984

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 238 (19.014). • Сешанба, 16 октябрь 1984 йил • Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ўстириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан социалистик мажбуриятларни бажариш учун сабот билан курашингиз!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОКТЯБРЬ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

ТЕРИМДА УЮШҚОҚЛИК, ИНТИЗОМ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ОКТЯБРНИНГ ҒАНИМАТ КУНЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ, ТЕРИМ СУРЪАТИНИ ТОБОРА ОШИРАЙЛИК

СЎЗ — МАРРАДАН ЎЗГАНЛАРГА

ЮБИЛЕЙГА СОВҒАМИЗ

Мамлакатимиз халқлари олдидаги ўз интернационал бурчларига ҳамиша содиқ бўлган районимиз меҳнаткашлари республикамизнинг шонли юбилейи йилида ҳар қачонгидан ҳам астойдил меҳнат қилдилар. Мавжуд 12 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан хирмон кўтарилиб, йиллик пахта тайёрлаш плани муддатидан анча барвақт муваффақиятли адо этилди. Давлат омборларига 40,5 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Ялпи пахта ҳосилининг деярли ҳаммаси биринчи сортларга сотилди.

Хўжаликнинг барча жабҳаларида олиб борилган қаттиқ кураш ва меҳнат туфайли 4 йилдан буён сурункасига Бутуниттифоқ мусобақасида ғолибликка эришиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетларининг байроғини қўлимизда сақлаб келяпмиз. Бу — янгидан янги зафарларга руҳлантирмоқда.

Район партия комитети йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан олдин адо этиш учун мавсум арафасида кенг кўламлардаги комплекс тадбирларни белгилаган эди. Бунга КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг сўнгги Пленумлари материаллари, ўртоқ К. У. Черненко нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўн олтинчи пленумлари қарорлари асос қилиб олинган эди.

Аҳдига содиқ пахтакорларимиз Тошкент область Коммунистик райони пахта усталарининг ташаббусига қўшилишиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан жами 54 минг тонна «оқ олтин» етиштириш юзасидан қўшимча мажбурият олдилар. Шу кеча-кундузда ана шу юксак довонни эгаллаш учун қизғин кураш кетмоқда.

Районимиз «оқ олтин» хирмонига «Партия XX съезди». Киров номли, «Октябрь», «Шарқ юлдузи», «Правда», «Коммуна» колхозлари ҳамда қўриқ «Қўштепа» совхози меҳнат коллективлари айниқса катта ҳисса қўшганликларини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳозир ҳам бу хўжаликларда пахта териш ва топшириш суръатлари қизғин давом этмоқда.

Бу муваффақиятларга осонликча эришилгани йўқ. Ерга уруғ ташлашдан тортиб, ғўза парваришининг қизғин дамлари, айниқса, йиғим-терим давомида районимиз коммунистлари ҳал этувчи участкаларда ғоят активлик билан қатнашмоқдалар. Ишнинг ташкилий томони ва унинг сифатига ҳамиша катта эътибор билан қаралди. Пахтакорларнинг яхши ташаббуслари изчиллик билан қўллаб-қувватлаб келинди. Бутун диққат-эътибор йиғим-теримни уюшқоқлик билан тез фурсатларда ўтказишга қаратилди. Техника ва транспорт воситалари тўла ишга солинди. Райондаги 2658 коммунист ва 20 мингдан кўпроқ комсомол аъзолари бу умумхалқ ишида уюшқоқлик ва фидокорлик билан қатнашмоқдалар. 20 мингдан зиёд теримчи кўпмингкилограммчилар ҳаракатига қўшилди.

Районимизда ажойиб пахта усталари, 50—60 центнерчилик ҳаракати ташаббускорлари кўплаб саналади. Район партия комитети бюроси аъзоси, «Партия XX съезди» колхозининг пешқадам бригада бошлиғи М. Усмонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Рўзиалиев, Киров номли колхозидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ж. Эргашев, Калинин номли колхозидан республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Х. Норқўзиев, «Коммуна» колхозидан М. Аҳмаджонов, «Октябрь» колхозидан Қ. Имомов, «Шарқ юлдузи» колхозидан А. Ҳусанов каби бир неча ўнлаб миришкор деҳқонлар раҳбарлик қилаётган меҳнат коллективлари пахтадан, айниқса, юқори ҳосил етиштирдилар.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтишни истардимки, бу йил ҳосил сифатини яхшилаш ҳисобига хўжаликларнинг пул даромадини бирмунча , ошириш ҳам кўзда тутилмоқда. Эндиликда планда кўрсатилганидек пахта толасининг 33 эмас 34—35 процент чиқишига эришяпмиз. Бу эса ялпи даромаднинг 10—15 процент ўсишига имкон беради.

Юбилей йили ҳосилини йиғиб-териб олишда мингминглаб ҳашарчи ва ёрдамчилар, пенсионер отахон ва онахонлар ҳам актив иштирок этмоқдалар. Терим муносабати билан оммавий-сиёсий ҳамда маданий-оқартув ишлари бевосита дала шийпонларига кўчирилди. Юзлаб агитатор ва сиёсий ахборотчилар, «Билим» жамиятининг кўп сонли аъзолари ўз даъватқор сўзлари билан пахтакорларни самарали меҳнатга руҳлантирмоқдалар. «Табассум» ашула ва рақс ансамбли, қатор ҳаваскорлик тўгараклари ҳам дала меҳнаткашлари хизматида.

Районимиз давлатга пилла, чорвачилик маҳсулотлари, сабзавот, полиз, узум, ҳўл мева топшириш йиллик планларини ҳам муваффақиятли адо этдилар.

Шу кеча-кундузда районимиз пахтакорлари далаларда қолган ҳосилнинг энг сўнгги миқолигача йиғиштириб олиш ва Улуғ Октябрь байрами кунигача оширилган мажбуриятни ҳам тўла адо этиш, ялпи ҳосилни гектар ҳисобига сўзсиз 45 центнерга етказиш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар. Бувайдаликларнинг гапи гап, сўзи сўз. Улар ўз ваъдаларини бажаришга қодирдирлар.

М. ҲАЙДАРОВ,
Фарғона область Бувайда район партия комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

НАМАНГАН ОБЛАСТИ. Чортоқ районидаги «Москва» колхози социалистик мусобақада ғолиблик қилиб, икки маротаба Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Хўжалик аъзолари қуёшли кунларнинг ғанимат дамларидан унумли фойдаланиб, терим суръатини ошириб боришяпти. Терим илғорлари моддий ва маънавий рағбатлантирилаётир. Мукофотлар дала шийпонларида тантанали равишда топширилятти. Суратда хўжалик касаба союз ташкилотининг раиси Ҳабибулла Ғайбуллаев илғор звено бошлиғи Абдували Раҳимовга колхоз кўчма Қизил байроғини топширмоқда. Бу звено аъзолари шу кунларда оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширишяпти.

Ҳ. Ҳайдаров фотоси (ЎзТАГ).

БУВАЙДА ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Бувайда райони пахтакорлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмаларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, давлатга пахта сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 40570 тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб берилди. 12 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 34 центнер пахта йиғиштириб олинди. Тайёрланган бутун ҳосил биринчи сортга қабул қилинди. Районнинг 11 хўжалигидан 9 таси ҳозирнинг ўзидаёқ оширилган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Механизаторлар салкам 9 минг тонна ҳосилни машинада йиғиштириб олдилар.

Қўриқдаги «Қўштепа» совхози, «Партия XX съезди», Калинин номли, Киров номли, «Шарқ юлдузи», «Коммуна», «Правда» колхозлари ва Дзержинский номли совхоз меҳнаткашлари район пахтакорларининг меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар.

«Партия XX съезди» колхозининг Мамадали Усмонов бошчилик қилаётган бригадаси қўриқдаги 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта йиғиштириб олди. «Партия XX съезди» колхозининг Зоиджон Усмонов, «Ленинобод» колхозининг Иброҳимжон Ашуров, Киров номли колхознинг Ҳакимжон Тўрақулов, Калинин номли колхознинг Озодали Кўшоқов каби механик-ҳайдовчилари мавсумда 120—140 тонна пахта териб, алоҳида ўрнак кўрсатдилар. «Шарқ юлдузи» колхозидан Азиза Хўжакелдиева, Карл Маркс номли колхозидан Дилором Раҳмонова, Дзержинский номли совхозидан Бўҳажал Салоҳиддинова, «Ленинобод» колхозидан Дилбарой Эшонқулова, «Қўштепа» совхозидан Раҳима Сулаймонова ва бошқа кўпгина теримчилар мавсумда 9—10 тоннадан «оқ олтин» тердилар.

Район пахтакорлари ҳар бир гектар ер ҳосилдорлигини 45 центнерга, ялпи ҳосилни 54 минг тоннага етказиш тўғрисида оширилган социалистик мажбурият қабул қилдилар.

Район меҳнаткашлари дон, гўшт, тухум, жун, сабзавот, мева ва пилла етиштириш ҳамда давлатга сотиш планларини бажардилар.

Район партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, барча меҳнаткашлари етиштирилган бутун пахта ҳосилини ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини тезроқ йиғиштириб олиш, беш йилликнинг тўртинчи йили ва умуман беш йиллик юксак социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришга ўз куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

МАТБУОТ МАРКАЗИ хабар қилади

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг октябрь Чақириқларига жавобан далаларда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Ўтган куни пахтазорлардан 111107 тонна дурдона териб олинди. Мавсум бошидан бери уйилган «оқ олтин» хирмони 3384690 тоннадан ошиб кетди.

Азиз пахтакорлар! «Оқ олтин» йиғим-терими суръатини бутун чоралар билан кучайтирайлик! Октябрнинг ҳар бир куни, ҳар бир соатидан унумли фойдаланайлик.

ОБЛАСТДА БИРИНЧИ

Комсомолобод районидаги «Оқ олтин» совхози заршуносларн области биринчи бўлиб йиллик плани адо этдилар. 1650 гектар қўриқ ернинг ҳар гектаридан 20 центнердан хирмон кўтарилди. Қабул пунктларига 3300 тонна «оқ олтин» жўнатилди. Совхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 25 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

ОИЛАВИЙ ЗВЕНО ИБРАТИ

Ғиждувон районидаги «Зарафшон» колхозида Ҳакима Сиддиқова бошлиқ оилавий теримчилар номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Ҳакима опа қизлари — Дилноз, Дилобар, Дилфуза, Дилраболар билан кунига 430—460 килограммдан «оқ олтин» териб, хўжалик хирмонига барака киритмоқда. Оилавий звено аъзоларининг шу кунгача терган пахтаси 22 тоннадан ошиб кетди.

МАРРА — 50 ЦЕНТНЕР

Косонсой районидаги «Дўстлик» совхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Абдусаттор Шарипов бошлиқ бригадаси аъзолари зафар маррасини эгалладилар. 200 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига 640 тонна хом ашё топширилди. **Бригада азаматларининг янги марраси ҳосилдорликни 50 центнерга етказишдан иборат.**

ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ҲИСОБИГА

Боғот районидаги Нариманов номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зариф Қурбонов бошлиқ бригадаси коллективи давлатга 300 тонна «оқ олтин» топшириб, йиллик плани ҳамда ўн биринчи беш йиллик топшириғини бажарди. Ҳозирга қадар 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 42,6 центнердан хирмон кўтарилди. Ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига пахта топширишни бошлаб юборган заршунослар ҳосилдорликни 56 центнерга етказишни кўзлашмоқда.

„ОҚ ОЛТИН“ хирмонига

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён

Фарғона	1,73	77,47	0,36	14,16
Тошкент	2,14	73,61	1,79	63,06
Наманган	2,25	69,62	1,89	37,47
Андижон	1,61	66,54	0,87	28,59
Сурхондарё	1,84	63,65	1,56	46,99
Хоразм	2,20	58,83	1,08	17,77
Сирдарё	3,55	52,08	3,53	49,37
Самарқанд	1,62	49,71	0,76	14,62
Бухоро	0,98	48,90	0,08	5,89
ҚҚАССР	2,07	44,78	1,52	25,19
Навоий	1,45	42,79	0,71	8,99
Жиззах	2,16	42,59	1,56	38,63
Қашқадарё	1,13	32,67	0,62	7,91
Республика бўйича:	1,86	56,74	1,28	28,51
Шу жумладан нитчка толали пахта				
Сурхондарё	2,40	74,83	2,93	80,76
Наманган	2,22	64,12	—	—
Навоий	1,30	41,07	—	—
Бухоро	0,96	37,18	—	—
Қашқадарё	1,83	31,20	1,54	9,07
Республика бўйича:	2,09	57,74	2,09	45,37

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганлиги учун қуйидаги район республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Бувайда райони — район партия комитетининг секретари М. Ҳайдаров, район ижроия комитетининг раиси М. Хўжамова, РАПО кенгаши раиси В. Абдуллаев, «Райсельхозтехника» бошқарувчиси Э. Қулматов, район сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи М. Ҳасанов, район қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союз комитетининг раиси С. Мадаминов, район комсомол комитетининг секретари Б. Ҳамроқулов.

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ АНИҚ МАРОМДА ИШЛАСИН

Республика иш самарадорлиги ва сифатини ошириш комиссиясининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида Ўзбекистон ССР темир йўл транспорти бошқармаларида давлат, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомининг аҳволи ва уни мустаҳкамлаш тадбирлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Шу нарса уқтириб ўтилдики, республика темир йўл транспортининг коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини амалга ошира бориб, планларни ва шартномавий мажбуриятни бажариш, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасидаги кучғайратларини бирмунча оширдилар. Беш йиллик бошланганидан бери янги техника ва илғор ишлаб чиқариш технологиясини жорий этишга доир 1800 та тадбир амалга оширилди, бригадаларнинг 58 процентдан кўпроғи меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив формаларига ўтказилди.

Шу билан бирга Ўрта Осиё темир йўлининг республика территориясидаги бўлинмалари ишида жиддий камчиликлар бор. Жўнатилаётган юклар номенклатураси юзасидан шартномаларда белгиланган мажбуриятлар, юк ташиш таннархини камайтириш, шу тариқа 1984 йил ва умуман беш йиллик планнинг бажарилишини таъминлашни тавсия этди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмаларига мувофиқ барча меҳнат коллективларида юксак талабчанлик, интизомни ҳар қандай бузиш ҳолларига нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтириш, мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан конкрет чораларни амалга ошириш лозим.

(ЎзТАГ).

Комиссия Ўрта Осиё темир йўлининг раҳбарларига, бошқарув аппаратининг партия комитетига кадрларни тарбиялаш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасидаги, ҳаракат составидан самарали фойдаланиш, моддий техникавий базани ривожлантириш ишида меҳнат коллективларининг ролини ошириш соҳасидаги ишни кучайтириш, шу тариқа 1984 йил ва умуман беш йиллик планнинг бажарилишини таъминлашни тавсия этди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмаларига мувофиқ барча меҳнат коллективларида юксак талабчанлик, интизомни ҳар қандай бузиш ҳолларига нисбатан муросасизлик муҳитини вужудга келтириш, мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан конкрет чораларни амалга ошириш лозим.

(ЎзТАГ).

САР президенти Москвага келди

Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан амалий дўстлик визити билан 15 октябрда Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ТАСС).

ЧИҚИТСИЗ ТЕХНОЛОГИЯ ЙЎЛИДА

Саноатда кам чиқитли технологияларни яратиш, уларни жорий этишнинг турли мамлакатлар учун социал-иқтисодий оқибатлари, кадрлар тайёрлаш — булар 15 октябрь куни Тошкентда ўз ишини бошлаган БМТ Европа иқтисодий комиссияси семинарининг асосий мавзуларидир. Семинар қатнашчилари — комиссияга кирувчи Европа мамлакатларининг, шунингдек АҚШ, Канада ва Осиё, Африка ҳамда Лотин Америкасидаги баъзи ривожланаётган мамлакатларнинг вакиллари ҳозирги пайтда мавжуд бўлган ва энергия билан материалларни кўп талаб қиладиган жараёнларни ўзгартириш, атроф-муҳит булғанишини камайтириш билан боғлиқ актуал проблемаларни беш кун мобайнида муҳокама қиладилар, орттирилган тажрибани баҳам кўрадилар, шу масалалар юзасидан ҳамкорликни янада кенгайтириш йўлларини белгилайдилар.

Семинар очилишида Европа Иқтисодий комиссияси ижрочи секретарининг ўринбосари Г. Б. Бирюков, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

МЕТЕОРОЛОГЛАР КЕНГАШИ

15 октябрь куни Тошкентда БМТ Жаҳон метеорология ташкилоти техника комиссиялари президентларининг сессияси очилди. Сессия қатнашчилари — Венгрия, Нидерландия, СССР, АҚШ, Франция ва Финляндия вакиллари комиссияларининг кейинги икки-уч йил ичидаги иш якунларини чиқарадилар, жаҳон иқлимий программасини ва жаҳон об-ҳаво хизмати программасини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар, келгуси даврда жаҳон метеорология ташкилоти ва бўлинмаларининг бундан буёнги фаолият йўлларини белгилайдилар.

Сессиянинг очилишида СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, СССР гидрометеорология ва табиий муҳитни контроллик қилиш давлат комитети раиси Ю. А. Израэль, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Б. Р. Раҳимов нутқ сўзладилар.

(ЎзТАГ).

САМАРҚАНД БИЛАН ТАНИШУВ

СССРда ГДР маданияти кунлари ўтказилиши муносабати билан Совет Иттифоқига келган ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Хагер бошчилигидаги ГДР делегацияси Самарқандда бўлди.

Қардош мамлакатдан келган меҳмонлар шаҳарнинг янги қурилишларини кўздан кечирдилар, архитектура ёдгорликлари билан танишдилар, Бутуниттифоқ қорақўлчилик илмий-тадқиқот институтида бўлдилар. Маданият кунларининг қатнашчилари Пастдарғом районидаги Ленин номли колхоз пахтакорлари билан учрашдилар, «оқ олтин» теримида қатнашдилар. Меҳмонлар Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз меҳнаткашлари ҳузурида ҳам бўлиб, янги маданият саройини кўздан кечирдилар, колхозчиларнинг ҳаёти ва турмуши билан танишдилар.

(ЎзТАГ).

ЯПОНИЯЛИК МЕҲМОНЛАР

Япония Социалистик партияси ишчилар университетининг профессори Мицуюки Синото бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

15 октябрь куни меҳмонлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида қабул қилинди.

Делегация В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини, Ташсельмаш заводини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтини бориб кўрди. Меҳмонлар Бухоро ва Самарқандга сафар қиладилар.

(ЎзТАГ).

КЎП НУСХАДА

«Ўзбекистон» нашриёти ўртоқ К. У. Черненконинг 1984 йил 5 октябрда халқ контролёрларининг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган «Халқ контролёрининг юксак гражданлик бурчи» сарлавҳали нутқини алоҳида китобча қилиб чиқарди.

Бу китобча ўзбек тилида кўп нусхада нашр этилди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

ТАРТИБ-ИНТИЗОМ КУЧАЙТИРИЛСИН

Текшириш шуни кўрсатдики, Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли Самарқанддаги кўнчилик заводида давлат интизоми мунтазам равишда бузиб келинмоқда. Корхонада яроқсиз ва харидорлар талабига номувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хом ашёлардан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланмаслик ҳоллари содир бўлаётир. Ишнинг боришини сунъий равишда яхшилаб кўрсатиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми бўйича планларнинг бажарилишини «таъминлаш» учун буюртмачилар томонидан брак қилинган, стандарт талаблари ва тегишли қонун-қоидаларга мос келмайдиган ,натижада корхонага қайтариб юборияган маҳсулотлар ҳам ҳисоботларда акс ттирилмоқда. Реализация қилинган маҳсулотлар қайд этилган ҳисобот маълумотлари аниқ эмас. Жумладан ўтган йилнинг олти ойида тегишли жойларга жўнатилмаган ва яроқсиз деб ҳисобланган салкам юз минг сўмлик кўнчилик маҳсулотлари ҳам реализация планига қўшиб ҳисобланган. Шу каби қонун-қоидаларга хилоф ишлар туфайли, бир ярим йилда ўринсиз равишда салкам юз минглаб сўм мукофот пули тўланган.

Завод раҳбарларининг хом ашёдан фойдаланишга хўжасизларча ёндошаётганликлари сабабли давлатга катта зарар келтирилмоқда. Фақат кейинги икки ярим йилда белгиланган нормадагидан 448 минг сўмлик кўп, яъни 470 тонна хом ашё ортиқча сарфланди. Ундан ташқари қайта ишланган чармнинг 5 процента майда бўлакларга бўлиб ташланган, кейинчалик эса ҳисобдан чиқарилган. Корхона хом ашёсининг анчагина қисми меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос келмайдиган маҳсулотлар тайёрлаш учун сарфланаётир. Текшириш ўтказилган куни корхона омборида 5 миллион квадрат дициметр сифатсиз ва туриб қолган кўнчилик маҳсулотлари йиғилиб қолганлиги аниқланди.

Корхонада ишлаб чиқаришни ташкилот этишнинг аҳволи талаб даражасида эмас. Тери маҳсулотларини қайта ишлашда технология интизомига риоя этилмайди. Кўпгина механик жараёнлар сифатсиз бажарилмоқда, белгиланган иш тартибига риоя этилмайди. Оқларнинг охирги кунларида омборга топширилаётган тайёр маҳсулотлар ҳажми кундалик ўртача нормадан 8, ҳатто 10 баравар кўп бўлаётир. Етишмаётган моддий буюмлар гоҳо ишлаб чиқариш зарарига ҳисобдан чиқарилмоқда. Бундай аҳволнинг юз бериши сабаблари ва унинг айбдорлари ҳар доим ҳам аниқланмаётир.

Бу камчиликларнинг юзага келишига аввало, корхонага етарли даражада малакали раҳбарлик қилинмаётгани, ҳисоботлар тайёрлашдаги кўзбўямачиликни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги сабаб бўлаётир.

Кўнчилик заводи директори А. Шодиев корхонага малакали раҳбарлик қилмаётир. Айни вақтда Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги ва «Узкожобувьпром» бирлашмаси раҳбарлари заводда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш, хом ашёдан омилкорлик билан фойдаланиш, корхонани техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш каби қатор масалаларда самарали ёрдам кўрсатмаётир.

Республика Халқ контроли комитети ишни ташкил этиш ва маҳсулот ишлаб чиқаришда кўпгина хатоликлар содир бўлганлиги учун Самарқанд кўнчилик заводи директори А. Шодиевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилди. Айни вақтда Самарқанд шаҳар халқ контроли комитети давлатга келтирган зарарнинг ўрнини маълум даражада қоплаш учун А. Шодиевга уч ойлик маоши ҳисобидан пул начёти қилганлиги ҳисобга олинди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги эса давлат интизомини бузганликлари учун завод бош инженери Салимбоев ва бош бухгалтери Абдуқосимовларни эгаллаб турган вазифаларидан бўшатди. Республика «Узкожобувпром» саноат бирлашмаси директори ва бош инженери М. Ҳамиджонов ва М. Муллаевларга корхона фаолиятини назоратсиз қолдирганликлари, камчиликларни йўқотиш юзасидан вақтида таъсирчан чоралар амалга оширилмаганлиги кўрсатиб ўтилди. Юқоридаги камчиликларнинг юз беришида айбдор бўлган бошқа айрим шахслар ҳам тегишлича жазоландилар.

...ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ОРГАНЛАРИНИНГ ЗАРУР ЁРДАМИ ВА МАДАДИ БИЛАН ХАЛҚ КОНТРОЛИМИЗ ДАВЛАТ АППАРАТИНИНГ ИШИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН, БУ АППАРАТНИНГ ИШИДА РАСМИЯТЧИЛИК, ҚОҒОЗБОЗЛИК ВА САНСАЛОРЛИК БЎЛМАСЛИГИ УЧУН КЎП ИШ ҚИЛИШИ МУМКИН.

К. У. ЧЕРНЕНКО.

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИЛАРИ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Пахта йиғим-теримида долзарб дамлар бошланди, Ҳиммати баланд пахтакорлар, серғайрат механик-ҳайдовчилар, қишлоқ меҳнат аҳли ҳозирги қулай дамларнинг ҳар дақиқасидан самарали фойдаланиш, юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун ғайрат отига қамчи босмоқдалар. Бу муҳим қишлоқ хўжалик кампаниясида фаол иштирок этиш, самарали натижаларга эришиб, барчага ибрат кўрсатиш ташаббуси билан чиққан республикамизнинг бир группа депутатлари издошлари сафи кенгайиб бормоқда.

Айрим меҳнат коллективларидан пахта тайёрлашда юксак натижаларга эришилаётгани ҳақида ҳушхабарлар келиб турибди. Албатта, бу натижаларда халқ назоратчиларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Улар юбилей йили хирмони учун умумхалқ курашининг кучайиб бориши, оммавий сафарбарликнинг кенг қулоч ёйиши йўлида актив иш олиб бормоқдалар. Йиғим-теримнинг уюшқоқлик билан ташкил этилиши, қабул пунктларига етказиб берилаётган ҳосилнинг нобуд этилмаслиги ва юксак сифатли бўлиши уларнинг кундалик назоратида. Бухоро районидаги Усмон Юсупов номли колхоз халқ мулки посбонлари жамоатчилик топшириғини адо этиш ва меҳнатда шахсий ибрат кўрсатиш билан кўпчиликнинг тилига тушмоқдалар.

Яқинда экономист Ҳикмат Омонов олдимга куюниб келиб қолди

— Биласизми, — деди у қаршимга ўтирар экан. — Айрим бригадаларда пахта нобудгарчилигига йўл қўйилаётгани, хом пахта ҳам терилаётгани ҳақида сигналлар бўляпти. Ана шу хусусда текшириш ўтказмасак бўлмайдиганга ўхшайди.

Актив назоратчимиз Ҳикмат Омонов худди кўнглимдаги гапни топгандай бўлди. Тола сифати учун қизғин кураш кетаётган ёз бўйи қилинган машаққатли меҳнатнинг меваси эъзозланиши лозим бўлган вақтда бунга йўл қўйиш мумкин эмас, албатта.

Оператив равишда рейд ўтказдик. Аксарият коллективларда йиғим-терим уюшқоқлик билан ташкил этилган, пишган пахтани саралаб териш йўлга қўйилган бўлса ҳам, баъзи бригадаларда пала-партишлик, ишдаги ноаниқлик кўзга ташланди. Раҳмон Ҳамроев бошлиқ бригадада теримчилар иши устидан контролнинг сустлиги пишиб етилмаган пахтани териш ҳоллари содир бўлишига олиб келган. Бир тележкага яқин пахта тарозидан қайтарилиб, бригада қуритиштозалаш майдончасига жўнатилган. Шу каби Шониёз Элназаров бошлиқ бригадада ҳам ишни ташкил этишда сусткашлик рўй берган. Назоратчилар бригаданинг пахта қуритиш майдончасида, тарози бошида ва пахта ташиладиган йўл ёқаларида «оқ олтин» тўкилиб-сочилиб исроф бўлаётганлигини аниқладилар.

Ушбу масала группанинг тавсияси билан колхоз правлениеси ва партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама этилди. Хом пахтани терган Робия Сафарова, Зайнаб Каримовалар қаттиқ огоҳлантирилиб, юқоридаги коллективларда аҳволни яхшилаш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди. Дала бошлари, йўл ёқаларига тўкилган пахтани териб солиш учун қутичалар ўрнатилди.

Колхозимиз халқ назоратчилари юбилей йили ҳосилини йиғиб-териб олишда мавжуд имконият ва воситалардан самарали фойдаланиш ҳақида ҳам астойдил қайғуришмоқда. Бу аввало техникадан фойдаланишга тааллуқлидир. Бу борада актив назоратчиларимиздан бири, ёш механизатор Жавҳар Қосимов бошчилигида ўтказилган текшириш ҳам яхши самара берди. Баъзи механизаторлар агрегатни хоҳлаган жойда қолдириб кетаверишлари, ҳатто тушликда овқатланиш учун уйга тракторда бориш ҳолларига барҳам берилди. Бу аввало катта маблағ эвазига олинган машина ва механизмларни авайлаб-асраш, ундан самарали фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материаллари сарфида тежамкорликка эришишга ёрдам берди. Кейинги вақтда хўжаликда ана шу каби рейд, текшириш ва кўрилган тадбирлар туфайли 20 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 40 минг киловатт соат электр энергияси, бир неча тонна цемент, ёғоч-тахта материаллари иқтисод қилишга эришилди.

Бутун фаолиятимизни ҳозирги кунда олдимизда турган катта вазифалар даражасига кўтаришдан иборат замон амри тамомила сизларга ҳам тааллуқлидир, — деган эди ўртоқ К. У. Черненко назоратчиларнинг Бутуниттифоқ кенгашида сўзлаган нутқида. Тегишли йўл-йўриқ ва қоидаларга мувофиқ иш олиб бораётган колхозимиз халқ назоратчиларининг фаолият доираси тобора кенгаймоқда. Улар ердан унумли фойдаланишдан тортиб, иш юритишни ташкил этишгача бўлган барча масалаларни қамраб олмоқдалар. Бу серқирра жамоатчилик ишларида Жаъфар Қосимов, Умар Арслонов, Файзулла Ражабов, Жума Қаюмов, Нор Эргашев, Рустам Жўраевлар активлик кўрсатишяпти.

Маълумки, назорат ишида гап фақат камчилик ва нуқсонларни аниқлашдагина эмас. Ана шу аниқланган салбий ҳолатларнинг такрорланмаслигига эришиш ниҳоятда муҳимдир. Группамизда текширишлар ошкоралиги, самарадорлиги учун курашмоқдамиз. Қилинган ишларни кўпчилик ҳукмига ҳавола этиш, уларда ана шу масалага нисбатан фикр ва мулоҳаза уйғотишга интилмоқдамиз. Хўжаликда рейд ва , текширишларнинг натижаларини колхоз радиоузели орқали эълон қилиш йўлга қўйилган. Деворий газеталарда халқ мулки посбонларининг фаолиятларига оид материалларга кенг ўрин берилмоқда.

Колхозимиз пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашга ахд қилишган. 1460 гектар майдоннинг ҳар гектари ҳисобига камида 40 центнердан ҳосил йиғиб-териб олиш эзгу мақсадимиз. Далаларда йиғим-терим кучайгандан кучайиб бормоқда.

Назоратчилар сергак. Мавжуд «зангори кема»ларнинг техник ҳолати, ўтказилаётган терим сифати текширишдан ўтказилди. Ўн битта терим-транспорт отряди қошида ташкил этилган мавсумий назорат постлари актив ҳаракатда. Айни вақтда халқ мулки посбонлари бевосита хизмат вазифаларини ҳам ўринлатиб адо этиш, пахта йиғим-теримида ҳамкасбларига ибрат кўрсатиб меҳнат қилиш учун ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар.

С. ТЎРАЕВ,
Бухоро районидаги Усмон Юсупов номли колхоз халқ контроли группасининг раиси.

Рассом хандаси

ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

Ишонаверинг, қўйиб берса, Қашқадарё область ҳунартехника таълими бошқармаси раҳбарлари қабулхона эшигига ана шундай эълон осиб қўйишдан ҳам тортинишмаган бўларди. Улар меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари ҳақида гап кетса борми, тескари ўгирилиб юзларини буж-майтиришади.

Фактларга мурожаат этайлик. 33-ҳунар-техника билим юртининг тарбиячиси Ш. Куртаметованинг айрим кишилар ҳизмат вазифасини суиистеъмол қилаётганлиги ҳақидаги шикоят хати кўп ҳам, кам ҳам эмас, росмана саккиз ой бошқармада жавобсиз қолиб кетди. Устига устак ҳе йўқ, бе йўқ, хатнинг контролдан чиқариб ташланганини айтмайсизми? Баъзан эса меҳнаткашларнинг хатлари қилмишлари текширилиши лозим бўлган кишига юборилмоқда.

Ҳунар-техника таълими область бошқармаси бошлиғи С. Зоиров бу соҳадаги аҳволни яхшилаш ҳақида жиддий ўйлаб кўрадиган вақт келмадимикин?

О. ФАРМОНОВ.

ЕР ЙЎҚОЛДИ

Ҳайрон бўлаётганингизни тушуниб турибмиз. Мол-мулк йўқолиши мумкин, пул йўқолиши мумкин. Буларга ишонса бўлади. Лекин ер йўқолишига бало борми, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Унинг бирор томонида тутқичи бормики, биров маҳкам ушлаб, судраб кетса.

Гап ана шунда-да. Пастдарғом районидаги Ильич номли совхозда ана шундай ажабтовур ҳодиса юз берди. Уч гектардан кўпроқ ер 21-мактаб учун ажратиб берилди-ю, йўқолди қолди. Бу ердан қайси ташкилот қандай фойдаланяпти? Экин экиб, ҳосил олиняптими, йўқми? Ҳеч ким билмайди. Шу ҳақда гап кетса, хўжалик раҳбарлари бараварига елка қисишади. Аммо, шу ерда халқ мулки посбонлари «ер йўқотган»ларнинг жонига оро киришди. Улар бу ер майдони енг учида район марказида турувчи Х. Очилов ва Ҳ. Ғаффоров деган кишиларга ошириб юборилганлигини, улар етиштирган маҳсулот аввало ўз чўнтаклари, қолаверса яна аллакимларнинг манфаатига хизмат қилаётганлигини аниқладилар.

Агар Ильич номли совхоз раҳбарларини қаттиқроқ тергаб турилмаса, кўп нарсаларни йўқотиб қўйишлари мумкинга ўхшайди.

С. НОСИРОВ,
К. РЕЖАМАТОВ.

АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ



Хоразм областидаги айрим саноат корхоналарида маҳсулот реализация қилиш планларининг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботлар қалқиб турадиган симоб устунини эслатади. Баъзи завод ва фабрикаларнинг раҳбарлари бу борада алдагани бола яхши қабилида иш тутишяпти. Қилинган ишларни камайтириб ва ошириб кўрсатишдан ўзларини тийиб туролмаётирлар.

Бу аввало Урганч пахта тозалаш заводига тааллуқлидир. Корхонада маҳсулот реализация қилиш бўйича эришилган натижалар ой сайин сунъий равишда камайтириб ёки кўпайтириб турилади. Буюртмачилар айрим ҳолларда ҳали жўнатилмаган маҳсулот учун ҳам пул тўлашга мажбур этилмоқда. Пахта заводига нисбатан фақат шу йилнинг биринчи ярмида жами 11400 сўм миқдорида жарима санкцияси қўлланилди. Бундай аҳвол Урганч асфальт-бетон заводида ҳам учраётир.

Юқоридаги корхоналарнинг раҳбарлари қачон кўзбўямачиликка барҳам беришаркин?

Н. ҲАСАНОВ.
Рассом **А. ХОЛИҚОВ.**

НАЗОРАТ ПОЧТАСИДАН

МУНОСИБ ҲИССА

Ғиждувон районидаги «Зарафшон» колхозининг меҳнатчилари ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида давлатга 8 минг тонна пахта, 750 тонна сабзавот, 520 тонна полиз, 2200 тонна дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилганлар. Бу масъуляитли вазифани адо этишга Арслон Раззоқов етакчилик қилаётган халқ назоратчилари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Хўжалик халқ мулки посбонлари шу кунларда тартиб-интизомни мустаҳкамлаш асосида пахта йиғим-терими кампаниясини намунали ташкил этиш учун жонкуярлик кўрсатмоқдалар.

Халқ контроли группаси фақат шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида йигирмага яқин текшириш ва рейд ўтказди. Бу актив фаолият муносиб самараларини бермоқда. Камчилик ва нуқсонларнинг ўз вақтида бартараф этилиши салкам 3 минг сўмлик ёнилғи-мойлаш материаллари, 2 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни тежаб қолиш, чорвачилик, пиллачилик ҳамда бошқа соҳаларда тежамли иш юритишни таъминлади. Текширишларнинг принципиал ва холис ўтказилиши, ошкоралигини таъминлашда халқ назоратчиларидан Манзура Кенжаева, Рустам Омонов, Нурилла Расулов, Файзулла Рўзиев, Олия Қозоқовалар активлик кўрсатмоқдалар. Улар жамоатчилик топшириғини сидқидилдан адо этиш билан бирга хизмат вазифаларини намунали ўринлатиб, ҳамкасбларига ибрат кўрсатмоқдалар.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг жамоатчи мухбири.

ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

ФАРҒОНА

Область халқ контроли комитети енгил саноат объектлари қурилишининг боришини текшириб чиқиб, бу соҳада қатор камчиликлар мавжуд эканлигини аниқлади. Фарғона тўқимачилик комбинатининг Тошлоқ районидаги филиали қурилишида бинокорлик ишлари учун ажратилган маблағлар суст ўзлаштирилмоқда .«Ферузолхозстрой» трестининг Тошлоқдаги механизациялашган кўчма колоннасида бу соҳадаги қолоқлик 1984 йилда ҳам барҳам топмади. Натижада 600 минг сўмлик ускуналари монтаж қилиш муддатлари чўзилиб кетмоқда. Ушбу трестнинг 95-механизациялашган кўчма колоннаси олиб бораётган Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинатининг Киров районидаги филиали қурилишида ҳам белгиланган планлар барбод бўлмоқда. Бунга иш пишиқ-пухта ташкил этилмаганлиги, бинокорлик материаллари таъминотида узилишлар содир бўлаётганлиги ,буюртмачилар иш сифати юзасидан етарли талабчанлик кўрсатмаётганликлари сабаб бўлмоқда.

Халқ контроли комитети Тошлоқдаги ва 95-механизациялашган кўчма колонналарнинг бош инженерлари Г. Қодиров ва А. Абдусаторов ҳамда Қўқон ип йигирув-пайпоқ тўқув комбинати капитал қурилиш бўлими бошлиғи Т. Умархўжаевларни ишга лоқайд муносабатда бўлганликлари учун тегишлича жазолади.

ТОШКЕНТ

Чиноз районидаги хўжаликдан саккизтаси давлатга сут сотиш етти ойлик планларини бажармади. Аксарият колхоз ва совхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётир. Маҳсулдорликни оширишнинг муҳим манбаи бўлган наслчилик ишлари талаб даражасида эмас .Қорамолларни боқиш ва озиқлантиришда тегишли зоотехника қоидаларига риоя этилмайди. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозида шу муддатда сут тайёрлаш плани 70 процентгина бажарилди. Хўжаликдаги қорамолларнинг асосий қисми зотдор бўлмаганлиги туфайли маҳсулдорлик кўтарилмаётир. Колхозда бузоқларни боқиш учун белгиланганидан анча кўп сут сарфланмоқда. Киров номли колхоз ва бошқа қатор хўжаликларда ҳам ана шундай ачинарли аҳвол ҳукм сураётир.

Ушбу масалани ўрганиб, муҳокама этган область халқ контроли комитети йўл қўйилган ана шу камчиликлар учун район қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг чорвачилик бўйича ўринбосари Т. Омаров ҳамда бош ветеринария врачи М. Устабобоевга ҳайфсан эълон қилди .Бошқа айбдор шахсларга ҳам тегишлича жазо берилди.

ҚАЛБ АМРИ

Озод Маҳмудов Совет Армияси сафидан қайтган куни эртасигаёқ ўзи учун қадрдон бўлган коллективи — йиғув цехи томон йўл олди. Хаёлида мен таниган одамлар ишлаб турибдимикан, ишхонада қандай янгиликлар юз берди экан, деган фикр чарх ураради.

Ў корхонада слесарь-йиғувчи бўлиб ишга киришди. Лекин кўп ўтмай бу ердаги ишга кечикиб келишлар, тушликнинг чўзилиб кетиши кўнглини хира қила бошлади. Айниқса, 6-пайвандлаш ва 10-темирчилик — пресслаш цехларидан келтирилаётган маҳсулотларнинг сифатсизлиги, айрим ҳолларда деталларнинг носозлиги туфайли йиғув цехида иш қийинлашиб, план учма-уч бажарилаётганлигини асло ўзнга сингдира олмади. Бу камчиликлар тўғрисида ҳамкасбларига айтган эди, баъзилари:

— Бу ер сенга ҳарбий хизмат эмаски, бир-икки минут аҳамият касб этса, кўникиб кетасаь, — дейишди.

Йўқ, у кўникиб кетмади, аксинча, минутлар йиғилиб соатларни, соатлар ҳафта ва ойларни ташкил қилишини тасаввур қилиб кўрди ва цех партия йиғилишида сўзга чиқиб, тартиб-интизомга риоя қилмаётган ҳамкасбларини очиқ-ойдин танқид остига олди. 6-ҳамда 10-цехлардан келтирилган деталларни цех халқ контроли группасининг назоратидан сўнг қабул қилиш таклифини киритди. Йиғилиш қатнашчилари бу фикрни маъқуллаб кутиб олдилар.

Ўз касбига меҳр қўйган, қалб амри билан иш юритувчи бу ёш ишчининг ҳалол меҳнати, синчковлиги эътибордан четда қолмади. Цех партия бюросининг мажлисида партия ташкилотининг секретари, «Ташсельмаш» заводи халқ контроли комитетининг аъзоси О. Ивашенко атрофидагиларга бир назар ташлаб, шундай деди:

— Озоджонни коллектив аъзолари яхши билишади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда институтни ҳам муваффақиятли тамомлади. Менда бу укамиз цех халқ контроли группасига раҳбарлик қилса деган таклиф бор. Мулоҳаза бюро аъзоларига маъқул бўлди.

Тиришқоқ Озоджон цех халқ контроли группаси таъсирчанлигини ошириш учун курашди. Монтажлаш ва краскалаш бўлимларидаги очиқ — ёйиқлик ва бўёқларнинг ерга тўкилган ҳолатлари суратга олиниб, комсомол прожекторида кетма-кет танқид қилиниши натижасида аҳвол сезиларли даражада яхшиланди.

— Озод Маҳмудов каби ҳушёр назоратчилар бизнинг суянчиғимиз, — дейди Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи халқ контроли комитетининг раиси В. Симченко. — У бошчилик қилаётган халқ назоратчилари муҳим масалаларда принципиаллик билан текшириш ўтказмоқдалар.

Ҳар ойнинг охирига келиб 22-йиғув цехида ёнилғи-мойлаш материаллари тақчил бўлиб қолар эди. Негаки, унинг сарфи назорат этилмас, дуч келган ҳайдовчи керагини олиб кетаверар экан. Оқибатда цех раҳбарларининг югур-югури билан келгуси ой ҳисобидан қўшимча ёнилғи-мойлаш материаллари олишга тўғри келарди. Ишга халқ назоратчилари аралашишди. Бу масалада текшириш ўтказилди. Мана, ҳозир цех учун ажратилган ёнилғи-мойлаш омбори ичкарига кўчирилган. Эндиликда бу материаллар тежаб-тергаб ишлатилиши натижасида иқтисод қилиб ҳам қолинмоқда.

Цехда ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш ва сифатини янада яхшилаш борасида халқ контроли группасининг роли катта бўлмоқда. Уларнинг актив фаолиятлари натижасида кўплаб электр энергияси тежаб қолинмоқда. Халқ контроли группасининг охирги йиғилишида тушлик пайтларда станокларни тўхтатиш ва ишга туширишда навбатчи монтёрнинг масъулияти нечоғли муҳим эканлиги ҳақида фикр юритилди. Бунда цехдаги мавжуд икки сменанинг бир кунлик иш фаолияти давомида тежалган электр энергияси билан қўшимча 19 — 20 та машина ишлаб чиқариш мумкин эканлиги далиллар асосида исботлаб берилди.

Навбатдаги йиғилишга шошилиб турган Озод Маҳмудовдан қўшимча жамоат ишлари смена бошлиғининг ёрдамчиси вазифасида ишлашингизга ҳалақит бермаяптими, деган саволимизга кулиб шундай жавоб берди:

— Йўқ, аксинча, ёрдам беради. Менимча, киши ўз ташвиши билангина эмас, коллектив ташвиши билан яшасагина ўз вазифасини муваффақиятли уддалайди, ҳаёти мазмунлироқ бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил февраль ва апрель Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко йўл-йўриқларини дастуруламал қилиб олган 22-йиғув цехи ишчилари республикамизнинг 60 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш мақсадида ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Юбилей йилида 9026 та ўрнига шу кунга қадар 5900 та пахта териш машинаси ишлаб чиқарилди. Бундай унумли ва сифатли меҳнат натижаларини қўлга киритишда яқинда бўлиб ўтган халқ назоратчиларининг Бутуниттифоқ кенгашидан сўнг активликни оширган цех халқ контроли группасининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Группа аъзоларидан айниқса, слесарлар В. Бадеров, А. Головидин ва Ш. Хўжаевлар актив жамоатчилик фаолияти олиб бормоқдалар.

Ҳошимжон МАДАТОВ.

ТЕЖАМКОРЛИККА ЭЪТИБОР ҚАНИ?

Наманган областидаги айрим ташкилот ва муассасаларда тежамкорлик асосида иш юритишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлинаётир. Ушбу масалада текшириш ўтказган халқ назоратчилари қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги шоҳиди бўлдилар. «Облхимчистка» ишлаб чиқариш бирлашмасида табиий газни тежаб-тергаб сарфлаш бўйича тадбир ишлаб чиқилмаганлиги исрофгарчиликнинг кўпайишига йўл очиб бермоқда. Кейинги вақтда бирлашмада деярли бир миллион кубометр газ ортиқча сарфланган. Ўзбекистон ССР Маиший хизмат кўрсатиш министрлигига қарашли 4-автобаза ҳам ёнилғининг исроф этилишига ажабланмай қарайдиган бўлиб қолишган. Бўлмаса, автобаза ҳайдовчиларидан 51 киши нормадан ташқари 35 минг литр бензинни исроф этиб юборишармиди.

Юқоридаги ташкилотларнинг раҳбарлари ишни омилкорлик билан юритиш, давлат ҳисобига ҳотамтойлик қилишга қачон чек қўйишар экан.

О. ВАҲОБОВ.

ҲОСИЛ-84

ҲАР БИР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ!

Ёзувчи минбари

АЛП ОДИМЛАР

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати.

МЕҲНАТ СУРУРИ ҳақида хаёл сурганингда беихтиёр ҳаяжонланиб кетасан! Қандай ажойиб ҳикмат бу — меҳнат! Ана шундай буюк меҳнат билан яратилган чўнг «оқ олтин» хирмони жамоли бугун ҳаммамизнинг дилимизга сурур бахш этмоқда. Жонажон Ўзбекистонимиз юбилейи нишонланадиган қутлуғ йилда улуғ пахта хирмони ҳақида куйиниш нечоғли қувончли!

Юбилей йилида Андижоннинг алпона одими, табиийки, шу кунги меҳнатнинг натижаси билан боғлиқ. Шундай экан, барчанинг фикри-зикри катта хирмонни тезроқ барпо этишга қаратилган. Андижонликлар социалистик мажбуриятни тезроқ уддалашга азми қарор қилишди.

ПАХТАКОР ҲУСАНБОЙ РОИПОВНИ танимайдиган одам Андижонда кам топилади. У бош бўлган бригада бултур ҳар гектар ердан 45 центнердан ошириб «оқ олтин» етиштирган эди. Бу йил у, республикамизнинг 60 йиллик тўйини беш йиллик планни бажариш билан кутиб олайлик, деган ташаббус билан чиқди. Область партия комитети бу ташаббусни маъқуллади. Шу кунларда Ҳ. Роипов ва унинг издошлари катта матонат билан меҳнат қилишмоқда. Москва районидаги Киров номли совхознинг шу донгдор бригадаси далаларида ҳар куни йиллик планнинг 3,5—4 процентга миқдорида ҳосил йиғиб-териб олинаётир. Бригада азаматлари эрта-индин илк довонни забт этишади.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхози (Ленин райони) далаларидаги қайноқ ҳаёт қиши қалбига завқ-шавқ бағишлайди. Хўжаликнинг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зокиржон ака Собиров, колхознинг илғор бригада бошлиқлари Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Искандар Ёқубов ва Қобилжон Мирзаевлар беш йиллик планни тўрт йилда бажариш имкониятларини аниқ режалаштириб олишган. Зокиржон ака Собиров меҳнатнинг оғирини ҳам, енгилини ҳам кўрган, нешона тери эвазига қадр-қиммат топиш лозимлигини тушунадиган раҳбарлардан. У босиб ўтган машқатли ва шарафли йўл бундан далолатдир. Заҳматкаш раиснинг умр дафтари варақлари ўзида бой мазмун кашф этади.

Ўшанда 60-йилларнинг бошлари эди. У колхозни оёққа турғазиш учун озмунча тер тўкмади. Ишни ўрта звено кадрлари сифат таркибини яхшилашдан бошлади. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини тартибга солиш, барча майдонларни карталаштириш лозим бўлди. Шу тариқа хўжалик рентабелли колхозга айланди. Кейинчалик у райондаги энг қолоқ хўжалик — «Ўзбекистон» колхози раислигига тавсия этилди. Ташкилотчилик, тадбиркорлик билан иш юритиш, одамлар билан ишлаш санъатини пухта билиш туфайли унинг меҳнатлари бу ерда ҳам яхши самара берди. Қолоқ хўжалик тез орада илғорлар сафидан ўрин олди. Орадан бир неча йил ўтгач, Зокиржон ака яна «Правда Востока» колхозида фаолиятини давом эттирди. Дастлабки йилиёқ хўжалик пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга кўтаришди, табиийки, даромадга даромад қўшилди. Бунинг самараси ўлароқ қишлоқлар жамоли чирой очди. Ҳозир бу колхозда бўлган киши барча қулайликларга эга обод посёлкаларни кўриб, қувонади.

Ҳали биз ана шу хўжаликнинг миришкор пахтакорларидан бўлмиш Қобилжон ва Искандар акаларнинг номларини тилга олиб ўтдик. Бу қаҳрамон пахтакорлар мўл ҳосил етиштириш борасида ўзига хос тажриба мактаби яратишди. Ана шундай тажрибага таянган ҳолда улар областда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш планини бажардилар. 45 центнер қаҳрамонлар учун мезон бўлиб қолган. Бу йил ҳам улар бошлиқ бригадаларда кўтаринки меҳнат ҳукм сурмоқда.

ЗОКИРЖОН АКА СОБИРОВ сувчиларнинг номларини ҳурмат билан тилга олди. Ҳа, мўл ҳосил яратишда сувчининг хизмати катта. Сувчи — ғўзани яшнатувчи, деб бежиз айтишмайди. Сувчи нечоғли масъулият билан иш юритса, ҳосил ҳам шунча мўл бўлади. Ғойиб Бувахонов, Адҳам Холдоров, Эргаш Ҳакимов, Абдухалил Ҳасанов ва Сирожиддин Узоқов каби билимдон сувчилар меҳнати олқишга сазовор.

Колхоз бу йил давлатга 8 минг тонна пахта сотади. Ҳозирги кунда марра сари шахдам борилмоқда. Терим суръати кун сайин ортаётир.

Республикамизнинг бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари юбилей йилида унумли ишлаш, агросаноат комплексининг барча звеноларида юксак меҳнат унумдорлигини таъминлаш юзасидан Мурожаат билан чиқишди; шу Мурожаатга имзо чекканлардан бири Москва районидаги «Правда» колхозининг бригада бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати Тўланбой Халилов эди. Бир вақтлар Тўланбой шофёр бўлиб ишларди, кейинчалик касбини алмаштириб, ютқазмади. Пахтакорлик халқимиз учун ота-боболардан мерос. Шу боис у бу соҳада ҳам қувончли кўрсаткичларга эришди: лауреат бўлди, ҳозир область партия комитетининг бюро аъзоси.

Ташаббускорлик — фазилат, ташаббусни амалга ошириш — истеъдод. Ташаббусни амалда бажариш кўп куч ва ғайрат талаб этади. Тўланбойда ана шу фазилат тўла мужассамдир. Ташаббускорлар ҳақида сўз кетганда бўзлик азаматлар ҳам беихтиёр киши кўз ўнгида гавдаланади. Чунки бу қўриқ район азалдан ташаббускорлар диёри.

Ташаббускорлик ва ташаббус бутун идеология ишининг мазмунини белгилайди. Агар Бўзда омманинг ялпи ташаббускорлиги бўлмаганда, ўтган йили 41 центнердан ҳосил олинмаган бўлар эди. Жойларда бригада пудрати кенг жорий этилди. Пахтакорлар пайкалда бегона ўт бўлмаслиги учун курашни биринчи даражали вазифалар қаторига қўйдилар. Энг муҳими, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш иши билан ижодий шуғулланилди.

Бўзда илғорлар оз эмас. Улар пахтачилик борасида бой тажрибага эга. Ким билан суҳбатлашманг, Тельман номидаги колхоздан Р. Абдулҳамидов, Энгельс номли колхоздан А. Мусурмонқулова, «Ленинчи» совхозидан Р. Тўйчиев, Т. Жалолов, Р. Сатторов, А. Рўзиев, «Партия XX съезди» совхозидан Х. Охунов, Н. Деҳқонов каби миришкор деҳқонлар номини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оладилар; улар — бригада бошлиқлари, юбилей йилида беш йиллик планни бажариш ташаббусига қўшилган азаматлардир.

„ПАРТИЯ XX СЪЕЗДИ» совхозининг Ҳошим Охунов бошлиқ бригада пахтакорлари бултур ҳар гектар ердан 41 центнердан пахта етиштириб, ҳосилдорликни бир йилда 14 центнер кўтарган эдилар. Бу бригадада шудгорлаш пайтида, яъни кузда ер ўғитланади. Чигит эса тупроқнинг ўз намига ундириб олинади. Бригада аъзоларининг бу йилги марраси — 50 центнерлик хирмон!

Ўтган йили «Партия XX съезди» совхози областда биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарганда, рости, кўпчилик хайрон қолган. Нега? Чунки хўжалик йирик, кўп ҳолларда охирги ўринларда борарди. Илгари механизатор, кейин бригада бошлиғи бўлган «Ленинчи» совхозига ўтиб ишлаб, қолоқ бўлимни «кўтариб» берган Абдуфаттоҳ Солиев хўжаликка директор бўлиб келди-ю, ишлар юришиб кетди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Солиев пахтачилик илмини обдон ўзлаштирган, тадбиркор эди, у ўз навбатида ўрта звено кадрлари сифат составини яхшилаш ҳақида қайғурди. Изланиш бесамар кетмади, Совхоз экономикаси изга тушди.

Бултур совхозда 12,5 минг тонна пахта етиштирилди. Бир йилда ҳосилдорлик 12 центнер ошди, мана буни — ўсиш, ташаббускорлик билан ишлаш намунаси, деса бўлади. Биргина пахтанинг ўзидан 1982 йилга нисбатан 3 миллион сўм кўп даромад олинди. Бир центнер пахтанинг таннархи 9 сўм арзонлашди. Директор пахтадан мўл ҳосил олиш совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлигини оширганлигини, бу ўз навбатида кишиларни янада унумли ишлашга, ташаббус билан меҳнат қилишга ундаётганлигини айтди:

— Қадрланган, эъзозланган ер деҳқонга саховатли бўлади. Кимки ерни алдаса, ўзи панд ейди. Бултур зовур ва йўл четларидаги 150 гектар ердан фойдалана олмадик. 160 гектар ўта шўрланган ер мўлжалдаги ҳосилни бермади. Бу — бизнинг резервларимиз. Шунингдек, ҳамон ери ва суви, шароити бир хил бўлган бригадаларда ҳар хил кўрсаткичлар қайд этилмоқда. Буни ҳам резерв ҳисоблаймиз... Кишиларимиз ҳар қанча эъзозга лойиқ, — дея сўзида давом этди у, — Тўхтасин Раҳимов, Аҳмаджон Қаюмов каби ўнлаб ташаббускор механизаторларимиз борлиги учун ҳам юкимиз ерда қолмайди.

Андижон области шу кунга қадар давлатга пахта сотиш планини 70 процент миқдорида уддалади. Қайси бир районга борманг, қайси бир хўжаликда бўлманг, юбилей йили хирмони учун қурашнинг нақадар қизиганини кўриб, киши қалби қувончларга тўлади. Олтинкўл областда карвонбошилардан бири. Медицина институтининг 4200 студенти, 150 дан ортиқ профессор ва ўқитувчилари ана шу район хўжаликларига ёрдамга чиқдилар. «Тошкент», Калинин номли, «Коммуна», Куйбишев номли колхозларда давлатга пахта сотиш суръати, айниқса, яхши. «Коммуна» колхозининг бригада бошлиғи, область Советининг депутати Сиёсатхон Абдуллаева бу йил қолоқ бригадага ўтиб ишлаш ташаббуси билан чиққан эди. Ҳозирги кунда ана шу бригадада пахта териш колхозда олдинги ўринларда бормоқда. Ташаббускор бригадирнинг меҳнат зафарлари ҳар бир кишини қувонтирмоқда.

ХЎЖАОБОД РАЙОНИДАГИ Калинин номли совхозда бир неча йил давомида план бажарилмай келарди. Бу йил ана шу хўжалик далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Хўжаликнинг ҳамма бригадаларида пахта йиғим-терими авжида, бу ерда ажойиб бир бригадир бор. У — Ҳамробой Рўзиев. Ҳамробой Рўзиев ҳар қандай ишни арифметик ҳисоб билан бажаради. Ўтган йилги бир воқеа ҳаммани лол қолдирган. Совхозда бирорта бўлим, бригада планни бажармаган эди. Ҳамробойнинг бригадасида план 98 га етганда тўхтаб қолди. Аммо бригадир ҳисоб-китоб билан иш кўрди. Бир гектар ердаги эгатни санади. Унда чаноқда қолган пахтани ҳисоблади. Уч эгатга уч киши бўлиб этак боғлаб тушишди. Чаноқларда қолиб кетган пахта ҳисобига бир гектар ердаги имкониятлар чўтга солинди. Икки эмас, ҳатто уч процент миқдорида пахта териб олиш мумкин экан. Бригадага қарашли 50 гектар ердаги бир чаноқ пахта териб олинди. План 101 процент бажарилди. Тадбиркор бригадир бу йил етиштирилган ҳосилни 20 августда ҳисоб-китоб қилди. Бир чаноқ пахтада 7—8 тадан чигит бор. Ҳар бир очилган пахта 3,5 грамм! Кўчат ҳам санаб чиқилган. Гектар ҳисобига 35 центнердан пахта олинади. Бригадирнинг ҳисоби шундай. Ҳозир бригадада онлавий теримчилар кўпчиликни ташкил этади. Бригада бу йил ҳам совхозда пешқадам.

Қалбда сурур тўлиб-тошмоқда. Олтин куз сепини ёйган шу қайноқ дамларда қаерда бўлманг, шижоатли меҳнатни кўрасиз. Қаерда бўлманг, меҳнати сурурбахш пахтакорлар жасоратига гувоҳ бўласиз. Уларнинг дилида қутлуғ ният: жонажон республика тўйини ёруғ юз билан кутиб олиш, юзларни ёруғ қилгувчи — меҳнат!

Эй, меҳнат! Оламдай сирли ва суюк,
Сен — кимё, сен — инсоф, сен — ўлмас модда!

Сен меҳр қадрли юксак ва буюк,
Меҳрдай азизсан, меҳрдай содда...

Сирдарё область Меҳнатобод районининг қўриқ ерларида янги ташкил этилган Ҳамза номли совхоз меҳнаткашлари юбилей йилида 3500 гектар майдонда деҳқончилик қилиб «оқ олтин»дан мўл-кўл ҳосил олиш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Шу кунларда далаларда йиғим-терим авжида. Хўжаликнинг Муқаддасхон Латифжонова бошлиқ бригадаси далаларида айниқса мўл ҳосил етиштирилди. Суратда: совхоз директори Худойқул Холбеков пахта йиғим-термини мусобақасида биринчиликни қўлга киритган. М. Латифжонова бошлиқ коллективга ғолиблик вимпелини топширмоқда.

Т. Ҳамроқулов фотоси.

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

«Қўқимбой» совхозининг 3-бўлимига қарашли Каттахўжа Умархўжаев бошлиқ звено пахтакорлари Косонсой районида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик планини бажардилар. 40 гектар пахта майдонининг янги ўзлаштирилган ерларидан 20,2 центнердан жами 81 тонна «оқ олтин» териб олинди.

Бу ютуқларда звено аъзоларидан Абдусами Абдуллаев, Аҳаджон Мадаминов, механизатор Аҳмаджон Мамадалиевларнинг ҳиссаси катта бўлди. Звено пахтакорлари даладаги ҳосилни чамалаб, яна 40 тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни 30 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар.

Е. ЖАББОРОВ.

ЗАРШУНОСЛАР АҲДИ

● ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР. Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхозида яна уч бригада йиллик маррага етди. Булар — Жайли Жуманиёзов, Аҳад Йўлматов ва Оллоберди Омондурдиев бошлиқ пешқадам коллективлардир. Бу бригадаларда ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан хирмон кўтарилди. Заршунослар ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

● САМАРҚАНД. Нарпай районидаги Ислом шоир номли совхоздан Маманиёз Худойқулов бригадаси азаматлари областда биринчи бўлиб дастлабки социалистик мажбуриятларини адо этдилар. Аҳил коллектив 33 гектар қўриқнинг ҳар гектаридан 31,8 центнердан хирмон кўтарди. Пешқадам бригада республика юбилейи шарафига ҳосилдорликни 35 центнерга етказишга қарор қилди.

Большевик районидаги К. Маркс номли колхоздан Расул Фармонов бригадаси заршунослари 100 гектар майдонининг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил кўтариб, йиллик планни бажардилар.

Дастлабки ғалабани қўлга киритган коллектив ҳосилдорликни 65 центнерга етказиш учун ғайрат қилмоқда.

ЯНГИ МАРРА

● ХОРАЗМ. Янгиариқ районидаги «Янгиариқ» совхози меҳнаткашлари давлатга «қирмизи дон» сотиш йиллик планини уддаладилар. Барханлар бағридан тортиб олинган 930 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олинди. Ялпи хирмон 2400 тоннани ташкил этди. Шоликорлар ўз имкониятларини чамалаб кўриб, ҳосилдорликни 30 центнерга, ялпи хирмонни эса 3 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

ПАХТАКОРГА—ҲАММА МАДАДКОР

КЎМАКДОШЛАР

РЕПОРТАЖ

СИРДАРЁ ОБЛАСТИНИНГ қўриқ Ильич райони пахтазорларига қуёш қўнгандай. Лўппи-лўппи очилиб чаноқлардан тошиб турган оппоқ пахталардан далалар ғарақлаб турибди. Уфқда туташиб кетган эгатлардан қут-барака ёғилмоқда. Бир томонда «зангори кема»лар гувиллаши, иккинчи томонда чўлқувар пахтакорларга ёрдамга келган тошкентлик ҳашарчилар шижоати далаларга ўзгача файз бағишлаган. Қаёққа қараманг, меҳнат жабҳаси, чинакамига «жанг» кетяпти... Узбекистоннинг 6 миллион тонналик улкан хирмони учун кетаётган бу курашда ҳамма баробар қатнашаётир. Меҳнат симфонияси кунданкун авж олаётир. Тингланг, сахий далаларда олтин куз қўшиғи янграяпти.

ХИРМОНГА БАРАКА

БИЗГА БИРИНЧИ дуч келган марди-майдонлар САМПИ студентлари бўлди. «Октябрь 60 йиллиги» совхози далаларида жавлон ураётган кўмакдошлар ҳузуридамиз.

— Ҳорманглар!

— Бор бўлинг...

— Мана, бу эгатга ўтинг, — дейди 2-педфак 3-курс студентлари бригадири Тўра Маҳмудов пахта тўла этагини орқалаб йўлга шайланаётган қизга. — Нигоранинг рўпарасидан тушинг.

— Этак тўлди, топшириб келмоқчийдим...

— Тележка тўлиб, пахтани топширгани кетди. Тўлганини қўйиб, иккинчи этакка териб туринг.

— Нега, янги эгатдан туширимай, бошқа студент олдидан тердиряпсиз? — сўрадик қизиқиб ўқитувчидан.

— Бизда «микрокарта» усули жуда оммалашиб кетди, — дея тушунтира кетди ўқитувчилардан М. Маликов.—

— «Микрокарта» усулининг афзаллиги нимада?

— Шундаки, карта кичик-кичик бўлакларга ажратиб олинади-да, икки теримчи эгатнинг икки томонидан тушиб, бир-бирига қараб териб келади. Шундай қилинганда, аввало карта тоза терилади, теримчилар мусобақалашгандай тезроқ теришади. Натижада меҳнат унумдорлиги ҳам ортади. Тележка шундоққина ёнларида бўлгани учун пахтани топширгани усоққа ташиб юришмайди. Вақтдан ҳам анча ютилади...

Биз қисқагина вақтнинг ўзидаёқ бу усулнинг катта самара бераётганининг гувоҳи бўлдик. Чиндан ҳам бу усул хирмонга барака киритяпти.

БАЙРОҚДОРЛАР

ЧЕВАР ҲАШАРЧИЛАРНИНГ пахта теришига маҳлиё бўлиб карта бошига келиб тўхтаган «Газик»ни сезмай қолибмиз.

— Хорманглар-о-о, — овоз келган томонга қарадик. — Яшаворинглар, азаматлар...

— Ректоримиз, дейишди студентлар.

САМПИнинг пахта штаби бошлиғи, институт ректори Вали Мажидов билан институт парткоми Раҳматулла Тошмуҳамедов дала айланишаётган экан.

— Бугун жуда зўр жойга тушибсизлар-ку. Суръат яхши бўляптими?

— Ҳа, яхши, — бригадир М. Маликов штаб бошлиғига юзланди.— Бугун кечагига нисбатан анча яхши, ҳали тушликкача бир соат бор. Улар эса 40—50 килограммдан териб кўйишди. Бойназаров Исмоил — 50, Тоирова Раъно — 55, ҳали топширадиган пахталари ҳам бор.

— Балли, азаматлар. қанча тердингиз?, — сўрадик.

— Уттиз саккиз...

— Сиз-чи?

— Етмиш? — ўрта бўй йигит қаддини рослади.

— Исмингиз нима?

— Сафар Қурбонов.

— Кечгача қанча термоқчисиз?

— Юз элликни мўлжаллаяпман.

— Раҳмат, кам бўлманг...

Штаб бошлиғи институт бўйича энг яхши кўрсаткичга эришаётган 1-педфакнинг 3-курс студентлари ҳақида анчагина илиқ гапларни айтди. Илғор теримчилардан С. Тошпўлатова, Ш. Давлатова, Ҳ. Раҳмонова номларини ҳурмат билан тилга олди. Ўтган беш кунликда ҳар бир студент ҳисобига ўртача 70 килограммдан пахта терган А. Юнусов (1-педфак 1-курс) бригадасини, 75,5 килограммдан «оқ олтин» топширган Бекназаров (1-педфак 2-курс) бригадасини, 82,4 килограммдан дурдона теришга эришган Р. Маннопов (1-педфак 3-курс) бригадасини ибрат қилиб кўрсатди.

— Ана шу азаматларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли институтимиз бўйича кунига 200 тоннадан ошириб пахта теряпти. Ҳар бир студентга ўртача 65,5 килограммдан тўғри келяпти. Шуниси қувончлики, САМПИ студентлари қўриқ область далаларида пахта тераётган олий ўқув юртлари орасида беш кунликда биринчиликни эгаллаб, Сирдарё область партия комитети, область ижроия комитети ва касаба союзлари советининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритди.

ШИЖОАТ

РАЙОННИНГ ҚАЙСИ совхозига борманг, ҳамма ерда қизғин меҳнат устидан чиқасиз. Ғафур Ғулом номли, «Правда», Волков номли совхозларда пахта тераётган тошкентлик мактаб ўқувчилари ҳам, Титов номли, «Октябрь 60 йиллиги», Алексеевский, Ҳ. Олимжон, Ю. Гагарин, Узоқов номли совхозларда жонбозлик кўрсатаётган САМПИ, Тошкент автомобиль йўллари, Тошкент давлат маданият, Сирдарё педагогика институтлари, педагогика ва музыка билим юртларининг талабалари республикамизнинг улкан «оқ олтин» хирмонини тезроқ уйиш, Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг шонли 60 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлаш учун шижоат намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Узоқов номли совхоз далаларида бўлганимизда ҳам, маданият институтининг пахта штабида суҳбатлашиб, Аҳмаджон Рўзматов бошлиқ бригада студентлари пахта тераётган пайкалларни оралаганимизда ҳам улкан меҳнат кўтаринкилигининг гувоҳи бўлдик. Институтнинг 700 га яқин талабаси совхоз хирмонига кунига 40 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкмоқда. Кутубхонашунослик факультетидан З. Нурматова, Ҳ. Солиева, Д. Йўлдошева, Н. Ҳамидовалар, маданий-оқартув ишлари факультетидан Хосият Норматова, Ҳалима Норова ва Гулнора Раҳимовалар кунига хирмонга 130—150 килограммдан пахта топириб, кўпчиликка ўрнак бўлмоқдалар. Илғорлар сафи кундан кунга кенгайиб бормоқда. Узаро ва бригадалараро тузилган социалистик мусобақа меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омил бўлаётир. Ҳар беш кунда мусобақа якунлари чиқарилиб, илғорлар моддий ва маънавий рағбатлантириб турилибди.

— Чўлқуварлар етиштирган мўл-кўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга ёрдамлашгани келган шаҳарлик ҳашарчилар учун барча шароит муҳайё, — дейди кутубхонашунослик факультети декани Олимжон Келганов. — Кўмакдошлар учун энг яхши дала шийпонлари, мактаб бинолари, махсус қурилган бараклар ажратиб берилди. Ҳар бир ётоқхонада гигиена бурчаги, радио ва телевизор ишлаб турибди. Кўчма кино қурилмалар ҳашарчилар ихтиёрида. Уз вақтида иссиқ овқат ва бошқа кундалик зарур маҳсулотлар билан таъминлаб турилибди...

* * *

Пахтаобод посёлкасида жойлашган пахта штабида бизни Ильич район партия комитетининг биринчи секретари Раҳмат ака Ҳотамов қарши олди.

— Ҳашарчилар келиши билан районда пахта топириш плани кескин кўтарилди, — деди Раҳмат ака ён дафтарига ва пахта штабидан келтириб берилган янги маълумотларга кўз югуртирар экан. — Районгина эмас, Сирдарё области ҳам жонланиб кетди. Районимиз эса кунига 2560 тоннадан, йиллик планнинг 4 процентидан ошириб «оқ олтин» топширмоқда. Гарчи далаларимизда 477 та пахта териш машинаси ишлаб турган бўлса ҳам, ҳашарчиларнинг мадади жуда катта бўляпти.

...Қўриқ ерда чўлқуварлар етиштирган ва териб олишда тошкентлик минглаб ҳашарчиларнинг ҳиссаси қўшилган «оқ олтин» карвонларининг кетидан завқ билан қараб қоламиз:

— Оқ йўл, қўриқ пахтаси!

— Балли, кўмакдошлар, — деймиз фахр билан.

М. МУҲСИМОВ,
Ф. ШОҲИСМОИЛОВ,
«Совет Узбекистони»нинг махсус мухбирлари.

Озиқ-овқат программаси — амалда

БЎРДОҚИБОҚАРЛАР ҒАЙРАТИ

ТОШЛОҚ РАЙОНИДАГИ БЎРДОҚИЧИЛИК БАЗАСИ ДИРЕКТОРИ Б. СОҲИПОВ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

Бундан бир неча йил илгари Тошлоқ райони территориясида бўрдоқичилик базаси ташкил этилган эди. Ихтисослаштирилган бу корхона зиммасига колхоз-совхозлар томонидан етказиб бериладиган ориқ мол ва қўйларни бўрдоқига боқиш, семиртириш, сўнгра давлатга топшириш вазифаси юклатилди.

Базанинг аҳил ва ишчан коллективи бу шарафли вазифани бажариш йўлида дастлабки кунларданоқ зарур тадбирларни амалга ошира бошлади. Республика колхоз ва совхозлари, шунингдек, қардош Қозоғистон ССРдан келтирилган ўн мингдан ортиқ қорамол ва қўйларни қисқа муддатда боқиб, белгиланганидан кўра кўпроқ семиртиришга эришмоқда, моллар алоҳида-алоҳида махсус хоналарда намунали парвариш қилинмоқда. Ҳам тўйимли, ҳам ширали озуқалар билан озиқлантириляпти. Озуқа бирлиги юқори даражада бўлганлиги учун қорамоллар бир кеча-кундузда нормадаги 500 грамм ўрнига 700—770 граммдан семирмоқда. Етиштирилаётган ҳар центнер гўшт таннархи ҳам белгиланганидан 0,1 процент арзонга тушмоқда.

Бу йил бўрдоқибоқарларимиз учун айниқса сермаҳсул бўлди. 1700 бош молни боқиб, 550 тоннага семиртирилиши мўлжалланган эди. Чорвадорларнинг ғайратшижоати, омилкорлик билан иш тутишлари туфайли бу кўрсаткич 600 тоннадан ошиб кетди. Натижада семиртириш ҳисобига 143,1 минг сўм фойда олинди. Бу, кўзда тутилганидан 84 минг сўм зиёддир.

Қорамолларни жами 60 кун боқишимиз ва ана шу давр мобайнида ўртача 42 килограммдан семиртиришимиз лозим эди. Амалда 57 кун боқиб, ўртача 59 килограммдан семиртириб гўштга топширяпмиз. Шу туфайли йиллик планни 8 ойда ошириб бажардик ва давлатга пландан ташқари 7 тонна семиз гўшт етказиб бердик. Йил охиригача яна 107 тонна гўшт топширамиз.

Базамизда ҳар биринг вазни 80—100 килограммли бузоқлар ҳам парваришланади. Улар разни 450-500 килограммга етказилганидан сўнг бўрдоқига қўйилади. 120 кун бойитилган рацион асосида алоҳида боқилади. Молларни суткасига ўртача 0,9-1 килограммдан семиртириш диққат марказимизда. Илғор чорвадор Эгамберди Ҳусанов бошлиқ бригада чорвадорлари ҳар бош новвосни суткасига 1.200 граммдан семиртиришяпти. Ҳошимжон Олимов, Ёдгорали Жўраев, Бахтиёр Ортиқов, Алижон Раҳмонов, Собиржон Эргашев, Содиқжон Жўраев каби молбоқарларнинг бу борадаги тажрибасини кенг оммалаштиряпмиз.

Базамизда 9650 бош қўй бор. Ҳар бир қўйни бўрдоқига боқувга қўйганимиздан кейин 75 кун муддатда 6 килограммдан семиртиришга эришишимиз керак эди. Бу соҳадаги кўрсаткичларимиз ҳам қувончли бўлди. Ҳар бир қўйни 71 кунда ўртача 9 килограммдан ва ундан ҳам ошириб семиртиришга муваффақ бўлдик.

Аммо яна ҳам юксакроқ натижаларга эришишимизга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Маълумки биз асосан моллари хўжаликлардан қабул қилиб оламиз. Айрим ҳолларда колхоз ва совхозлардан жайдари моллар юборилади. Бундай моллари турли-туман ширали озуқалар билан боқсак ҳам кўнгилдагидек семирмайди. Натижада жайдари бузоқларни базамизда нормадагидан ортиқ ушлаб туришга мажбур бўламиз. Самарадорлик ҳам кўнгилдагидек бўлмайди. Ортиқча меҳнат ва озуқа сарфланади. Хўжаликлар бизга фақат наслли моллар юборишса, биз ўз навбатида уларни интенсив боқиш ҳисобига, тезроқ семиртириб гўштни кўпайтиришга ҳаракат қилаверамиз.

Хўжалигимизда молбоқарларимиз ўртасида ўзаро социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. Ғолиблар вақти-вақти билан рағбатлантириб турилади.

Коллектив меҳнати тўғри ташкил этилиши туфайли меҳнат унумдорлиги ҳам ортиб бораётир. Молбоқар ва қўйчивонларнинг ойлик ўртача маоши йил сайин кўпаймоқда.

Бўрдоқичилик корхонамиз коллективи бундан буён ҳам бор маҳоратларини ишга солиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида ишлаверадилар ва мамлакат Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшадилар.

Суҳбатни ёзиб олувчи:

Т. ҲАМИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

«Совет Иттифоқи 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида бўлиб ўтган халқаро конференцияларда» нашрининг якунловчи, 6-томи босмадан чиқди. Унга учта иттифоқчи давлат — СССР, АҚШ ва Буюк Британия раҳбарларининг Берлин (Потсдам) конференцияси (1945 йил 17 июль, 2 август) ҳужжатлари киритилган.

Эълон қилинган ҳужжатлар Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари — антигитлерчи коалициядаги мамлакатларнинг фашистлар Германияси ва унинг малайларига қарши олиб борган оламшумул-тарихий курашига якун ясайди. Ҳужжатлар урушдан кейинги адолатли ва барқарор тинчликни барпо этишда Совет Иттифоқи буюк роль ўйнаганлигидан яққол далолат беради.

Тўпламни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

МЕТРОСОЗЛАР ТУҲФАСИ

Тошкент метрополитени янги линияси бўйлаб биринчи синов поезди юриб ўтди. Метросозлар унинг дастлабки пассажирлари бўлишди. Ер ости йўлининг 5,6 километрдан иборат янги тармоғи шаҳар марказини темир йўл вокзали билан боғлайди.

«Навоий», «Ўзбекистон», «Космонавтлар проспекти», «Ойбек» ва «Тошкент» номлари билан аталувчи бешта янги станция жойлашган бу масофани пассажирлар бир неча минут ичида босиб ўтадилар. Қурувчилар ўз сўзларининг устидан чиқиб, муддатидан 14 ой илгари қуриб битказган янги линия метросозларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллик юбилейига ажойиб туҳфасидир.

Суратда: «Навоий» станцияси.

Р. Шагаев (ЎзТАГ) фотоси.

САНЪАТ ОЛАМИДА

ТИНЧЛИККА, БАХТ-САОДАТГА ДАЪВАТ

Ажойиб рассом Вилле Зиттенинг полотноси — «Хатарли паришонхотирлик» диптихи бамисоли бонг садосидек янграйди. Унда фашизм қонли зулми остида азоб чеккан немис халқи оғир ўтмишининг кўринишлари, қамоқ лагерларнинг даҳшатлари, ҳозирги буржуа жамиятининг иллатларини фош қилувчи манзаралари бамисоли жом бонги сингари тасвирланган. Бу суратлар ҳозирги вақтда барча кишиларни: Ҳушёр бўлингиз! Планетамизда бундай даҳшатлар такрорланмаслиги керак! — деб даъват этади.

Вилле Зиттенинг диптихи — ҳозирги вақтда мамлакатимизда ўтаётган ГДР маданияти кунлари программаси асосида 13 октябрь куни Тошкентдаги Ўзбекистон ССР Санъат музейи залларида очилган кўргазмага қўйилган. Бу полотно ГДР рассомларининг кўргазмада намойиш этилаётган 150 та асаридан биридир. Рассомлар, графиклар, ҳайкалтарошларнинг ишлари кейинги ўн йил ичида улар яратган асарларнинг катта кўриги, бугунги кунда рассомларни тўлқинлантираётган, улар еримизнинг эртанги кунини қандай тасаввур қилаётганликлари тўғрисидаги ёрқин, чуқур ҳикоя, маданият арбобларининг янги ҳаёт барпо этиш ишига қўшаётган ҳиссаси ҳақидаги ҳикоядир.

Рассомлар немис халқининг революцион анъаналарини тасвирлаганлар, бошқа давлатларнинг революцион тарихига мурожаат қилганлар. Бернхард Хайзингнинг Париж Коммунаси ҳақидаги иши революцион жанглар шонли даври қаҳрамонларининг образларини гавдалантиради. Саккиз муаллифнинг илмий коммунизм асосчиси Карл Марксга бағишланган график варақлари, Юрген Шнфербеккернинг «Ленин «Правда» газетаси оттискини кўздан кечирмоқда» гравюраси, Рольф Монцнернинг «Маяковский олдига» деган асари диққатга сазовордир.

Ўз асарларида социалистик жамият қурилишини акс эттирган ГДР рассомлари завод цехларини, қурилиш майдончаларини, қишлоқ хўжалик кооперативларини тасвирлагандилар. Уларнинг полотнолари Тошкентдаги кўргазмага қўйилган. Замондошларимиз — ГДР меҳнатчилари ана шу полотноларнинг қаҳрамонларидир. Иоханнес Хайзинг ва бошқа рассомлар яратган портретларда уларнинг образлари ўз ифодасини топган.

Шу кунларда ГДРнинг тасвирий санъати кўргазма экспозициясигина бўлиб қолмай, балки Тошкент музейларининг бошқа залларида ҳам намойиш қилинмоқда. Шу мамлакатнинг ҳозирги замон рассомлари асарларининг коллекцияси музейда тўпланган. Бу асарларнинг кўпчилиги республикамизга келган ГДР рассомларининг Тошкент музейига совғасидир.

(ЎзТАГ).

РЕКЛАМА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

Ф. ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

1984-85 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотли илғор ишчилар, колхозчилар, ционервожатийлар ва СССР Қуролли кучлари сафида хизматни ўтаб бўлганлар, совхозлар, мактаблар ва ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси бўлган ёшлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар йўлланма берган ташкилотда камида бир йил узлуксиз меҳнат қилган бўлишлари керак. Институтнинг тайёрлов бўлимига кирувчилар билан чет тили ва СССР тарихи фанларидан суҳбат ўтказилади ва шу суҳбатнинг натижаларига қараб инглиз, немис ва француз тиллари факультетларига қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли тугатганлар Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти кундузги бўлимининг 1 курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

1984/85 ўқув йилидан бошлаб институт «Чет тили» ва ўзбек мактаблари учун «Рус тили ва адабиёти»дан мутахассислар тайёрлайди.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: институт ректори номига ариза, кўрсатилган намуна бўйича иш жойидан (ҳарбий бўлимдан) йўлланма, ўрта маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), иш жойидан (ҳарбий бўлим) характеристика, ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасининг кўчирмаси, медицина справкаси (086/У форма), 8 дона фотосурат 3х4 см.).

Аризалар 10 ноябргача қабул қилинади.

Суҳбат 16 ноябрдан 20 ноябргача давом этади.

Қабул қилиш 26 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

Ўқиш 1 декабрдан бошланиб, 8 ой давом этади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўрта мактабнинг кундузги бўлимини 1984 йилда тугатганлар меҳнат стажи бўлса ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайди.

Мурожаат учун адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 48-уй, 6-хона. Тайёрлов бўлимининг қабул комиссияси.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

СССР 50 ИЙЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 176-ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Иш участкаларидаги электр-кўприк кранлари машинисти, иш участкаларида ишловчи электрослесарь, электр пайвандловчи. Ўқиш муддати — 1 йил;

металл моделлар бўйича моделчи, автослесарь-электрокара бошқарувчи малакасини олган ҳолда, ўқишни тугатгач транспорт ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади (бу мутахассислик бўйича ўқувчилар ётоқхона билан таъминланмайдилар), **электрик, электр пайвандловчи, саноат ускуналари ремонти бўйича слесарь-механик, ОТК контролёри, дурадгор. Ўқиш муддати — 3 йил;**

универсал фрезеровкачи, иш участкаларида саноат ускуналарини созлаш ва ремонт қилиш бўйича слесарь-механик, электр-кўприк кранлари машинисти, синовчи тракторчи (механика-йнғув ишлари слесари малакасини олган ҳолда) ўқишни тугатгач транспорт ҳайдаш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома берилади, токарь-универсал. Ўқиш муддати — бир ва 3 йил.

Билим юртини тугатганлар тўлиқ ўрта маълумот ва мутахассислиги тўғрисида диплом оладилар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Ўқишга қабул қилинганларнинг барчаси 3 маҳал овқат, кийим-бош, махсус кийим билан таъминланадилар, зарур бўлган кишиларга секция типидаги ётоқхонадан жой берилади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси жараёнида ишлаб топилган маблағнинг бир қисми тўланади.

Билим юрти яхши жиҳозланган ўқув кабинетлари, устахоналар, стадион, спорт зали, бассейн барча қулайликлари бўлган секция типидаги яхши жиҳозланган ётоқхонага эга. 6 тўғарак ва 11 спорт секцияси ишлаб турибди. Эстрада, духовой ва миллий ансамбллар мавжуд. Билим юрти қошида ДОСААФ спорт-техника мактаби филиали (картинг ва мотоспорт)фаолият кўрсатаётир. Ёзги таътил даврида дам олиш учун Чорвоқ сув омбори яқинида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Ўқишга киришда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт (асли), маълумоти тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3х4 см.), характеристика.

Бизнинг адрес: 700177, Тошкент шаҳри, 1-Ташавтомаш массиви (17, 1, 1э, 16, 24-автобуслар, 28-маршрут таксисининг «Трактор заводи» бекати).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БУДАПЕШТ. Венгрия станкосозлари шу беш йиллиқда халқаро миқёсда зўр эътибор қозондилар. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар бир қанча энг катта халқаро виставкаларнинг совринлари ва мукофотлари билан тақдирланди. Ўтган давр ичида шу тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб бир ярим баравар ошди. Ҳозирги вақтда мамлакатда станокларнинг 150 дан кўп хили ишлаб чиқарилмоқда. Бутун маҳсулотнинг қарийб 90 проценти экспорт қилинмоқда. Совет Иттифоқи Венгрия станокларини энг кўп харид қилувчи мамлакатлардан биридир.**

● **ЛОНДОН. Инглизларнинг тобора кўпчилиги консерваторлар ҳукуматининг мамлакат сув ости флотини Американинг энг янги «Трайдент-2» ракета-ядро системаси билан таъминлаш режаларига қарши қатъий курашмоқда, Йоркшир ва Хамбер графликларида ядровий қуролсизланиш учун ҳаракат вакиллари ўтказган жамоатчилик фикрини яллиғ сўраб чиқиш натижалари шундан далолат беради. Сўраб чиқилган кишиларнинг 80 процентдан кўпи ядро урушини бошлайдиган мана шундай янги воситаларни харид қилиш мамлакат хавфсизлигини мутлақо мустаҳкамламайди, деб фикр билдирди.**

● **МАНАГУА. Регионда ўз ҳарбий аскарлари ва техникасини кўпайтираётган ҳамда Никарагуа халқига қарши агрессияни кучайтираётган АҚШнинг айби билан Марказий Америкадаги вазият ғоят кескинлашди. Никарагуа соғлиқни сақлаш министри Лев Гидо Хочи Никарагуа — Америка коллоквиумининг ёпилишида шу ҳақда гапирди. Ажнуман ишида Никарагуанинг таниқли врачлари, шунингдек, АҚШ ва Канададан келган 200 дан знёд медицина ходими иштирок этди. Улар Сандиночилар революциясига қарши АҚШ олиб бораётган пинҳона уруш оқибатларини кўриб чиқдилар.**

● **БРАЗЗАВИЛЬ. Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида бу ерда имзоланган иккита протокол ва битим Совет Иттифоқи билан Конго ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳужжатларга мувофиқ, совет томони қишлоқ районлари аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш учун қудуқлар қазиш программасини ҳамда мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг бир қанча лойиҳаларини амалга оширишда КХРга ёрдам беради. СССР республика қишлоқ хўжалиги учун кенг профилли механизаторлар тайёрлайдиган иккита ҳунар-техника марказини ташкил этишда кўмаклашади, Браззавилни катталиги жиҳатидан мамлакатнинг иккинчи шаҳри бўлган Пуэнт-Нуар билан боғлайдиган магистралнинг айрим участкалари қурилишида қатнашади.**

(ТАСС).

Чет элларда

ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

СОЦИАЛИЗМ ОДИМЛАРИ

МИКРОЭЛЕКТРОНИКА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

● БЕРЛИН. Вейсинфельсдаги (Галле округи) пойабзал комбинатида янги, микроэлектроника билан бошқариладиган тикув автоматлари меҳнат унумдорлигини анча ошириш имкониини берди. Уларнинг ўрнатилиши — корхонада автоматика ва электроника воситаларини жорий этишга доир тадбирлар кенг комплектининг таркибий қисмидир.

Вейсинфельсдаги комбинат ГДРнинг 12 округидаги ўнлаб фабрикаларни ўз ичига олган бўлиб, уларда 43 мингдан знёд пойабзалчи ишламоқда. Бу фабрикаларда эркаклар, аёллар ва болаларнинг хилма-хил пойабзаллари эмас, шу билан бирга бошқа чарм буюмлар, шунингдек енгил саноат учун машина ва асбоб-ускуналар, рўзғор химияси моллари ҳам ишлаб чиқарилади. Комбинат бош корхонасининг ўзидагина йилига 12 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг талайгина қисми экспорт қилинмоқда.

Совет Иттифоқи комбинатнинг савдо-сотиқ бўйича бош шеригидир. Иккала мамлакат пойабзалчиларининг ҳамкорлиги фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштиришга доир биргаликдаги ишларни ва тажрибани баҳам кўришнигина ўз ичига олмайди. ГДРдан келган мутахассислар ёрдамида Молдавияда «Флоаре» пойабзал бирлашмаси қурилмоқда, шунингдек Москва ва Ленинграддаги учта фабрика реконструкция қилинмоқда.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ТУФАЙЛИ

● БРАТИСЛАВА. Шарқий Словакия областидаги «Вояни» иссиқлик электростанциясининг коллективи катта меҳнат ғалабасига эришди. Энергетикларнинг зарбдор меҳнати, ремонт ишлари графигига аниқ риоя этилганлиги туфайли ТЭС шу беш йиллик (1981—1985 йиллар) топшириғини муддатидан илгари бажарди. У мамлакат халқ хўжалигига 21 миллиард киловатт-соатдан кўпроқ электр энергия етказиб берди.

«Вояни» электр станцияси Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан барпо этилган эди. Бу станция Шарқий Словакиядаги энг йирик саноат корхоналаридан бири бўлиб қолиб, бир вақтлар қолоқ районда халқ ҳокимияти йиллари мобайнида рўй берган чуқур социал-иқтисодий ўзгаришларни яққол намойиш этмоқда. Бугунги кунда ТЭС коллективи Словакия энергетикасини муттасил ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

ПЛАНЛАР МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИЛАДИ

● УЛАН-БАТОР. Улан-Батор темир йўли меҳнатчилари ўртасида йилнинг план топшириқларини муддатидан илгари ado этиш учун авж олиб кетган социалистик мусобақада «Найрамдал—Дружба» интернационал коллективлари олдинда бормоқда. Совет — Монголия қўшма бригадаларининг тузилганлиги юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш, илғорлар тажрибасини муттасил баҳам кўриш имконини берди. Ёз ерда новаторлар билан рационализаторлар ҳаракати кенг қулоч ёйди. Шу йилнинг ўзидагина «Найрамдал — Дружба» коллективларининг аъзолари иқтисодий самараси 200 минг тугрикдан ошадиган 173 та рационализаторлик таклифни жорий этдилар.

Интернационал бригадалар МХРП навбатдаги съезди ва МХР эълон қилинганлигининг 60 йиллиги шарафига қўшимча мажбуриятлар олишди. Бу мажбуриятларда совет темирйўлчиларининг илғор меҳнат методларини бундан буён ҳам ўрганиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган.

(ТАСС).

ХАБАРЛАР ОҚИМИ

ЖАНУБИЙ АФРИКАГА ТИНЧЛИК БЕРИЛСИН!

КЁЛЬН. Кёльн яқинидаги Роденкирхер шаҳарчасида якшанба куни «Жанубий Африкада тинчлик бўлсин!» мавзуидаги халқаро конференциянинг иши тугади. Конференциянинг якунловчи ҳужжатида Африкадагина эмас, бутун дунёда ҳам тинчликка таҳлика солаётган ЖАР режимининг снёсати кескин қораланди. Претория ҳукмдорларининг Вашингтон ва Бонн кўрсатмаси ҳамда мадади билан қилаётган қонли жиноятларига қарши кескин кураш тараққийпарвар инсониятнинг биринчи галдаги вазифаларидан бириди. Конференцияда қабул қилинган апартеидга қарши ҳаракат программаси озодлик йўлидаги отаиш курашчи Нельсон Мандела ва ирқчиларнинг зиндонларидаги бошқа кўпгина снёсий маҳбуслар дарҳол озод қилиниши учун ҳаракатларни янада кучайтиришни кўзда тутади.

БАНГЛАДЕШДАГИ НАМОЙИШЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Бангладеш пойтахти Даккада ҳукуматга қарши оммавий намойишлар бўлди. Ассошиэйтед Пресс агентлигининг хабар қилишича, оппозициячи партияларнинг иккита энг катта уюшмаси даъватига биноан мамлакатнинг ҳамма томонларидан келган икки миллиондан ортиқ киши Даккада бўлиб ўтган митинг ва намойишларда қатнашиб, 8 декабргача тайинланган умумий парламент сайлови ўтказилишини таъминлаш мақсадида мустақил ўтиш ҳукумати тузишни талаб қилдилар.

ОҒИЗДА ВА АМАЛДА

ВАШИНГТОН. АҚШ давлат секретари Шульц чет элга қилган сафаридан қайтиб келди. Сафар вақтида у Сальвадор, Панама ва Мексикада бўлди.

Америка обзорчиларининг қайд этишича, бу сафар снёсий вазифалардан ташқари, аниқ-равшан ташвиқотчилик мақсадларини ҳам кўзлади. Эн-Би-Си телекомпанияси мухбирининг сўзларига қараганда, «Шульц Американинг регионда қуролли агрессияси эҳтимоли бор, деган хавфсирашларни камайтиришга интилди. Ғарбий ярим шар ишлари билан шуғулланувчи нуфузли кенгашнинг таъкидлашича, ҳозир Оқ уй регионда «Рейган тинчликка интилмоқда, деган таассуротни туғдиришга уринди», шу тариқа ҳозирги маъмуриятни АҚШдаги сайловолди кампанияси даврида демократларнинг танқиди ўтидан қутултириб қолишни кўзламоқда.

Бироқ ҳақиқатда Рейган ҳукумати Марказий Америкадаги ўз агрессив снёсий йўлини ўзгартирмоқчи эмас. Вашингтон «Контадор группаси» ишлаб чиққан якунловчи «Тинчлик акти» қабул қилинишига ҳамон тўсқинлик қилиб, унинг регондаги Пентагоннинг ҳарбий активлигини чеклайдиган моддаларини чиқариб ташлашга интилмоқда. «Маъмурият Марказий Америкада ўз шартлари асосида тинчлик бўлишини хоҳлайди»,— деб уқтиради Эн-Би-Си агентлиги. (ТАСС).

ОММАВИЙ ТАРЗДА ҚОЧИБ КЕТМОҚДАЛАР

КОТОНУ. Миллий бирлик ўтиш ҳукуматининг радиостанцияси — Бардан радиосининг хабар қилишича, Чад пойтахтидан 450 километр нарида жойлашган Абу Деиа гарнизонининг жуда кўпчилик ҳарбий хизматчилари у ерда бўлиб ўтган исёндан кейин Хабре режимига қарши курашаётган Миллий бирлик ўтиш ҳукумати кучлари тарафига ўтган. Бу — кейинги ҳафталар Нжамена қуролли кучлари сафларидан оммавий қочиш ҳоллари тез-тез такрорланаётганининг бир мисолидир. Шу муносабат билан Бардан радиосининг таъкидлашича, граждан аҳолисига эмас, Нжаменанинг халққа қарши снёсати истиқболсизлигини англаётган ҳукумат қўшинларининг вакиллари ҳам Хабренинг ғарбпараст режимидан норозилик изҳор этмоқдалар.

Радионинг яна бир хабарида айтилишича, Миллий бирлик ўтиш ҳукумати миллий озодлик армиясининг отрядлари Чаднинг жанубий районларида актив ҳаракатларни авж олдириб юборганлар. Бу отрядлар Сарх ва Мунду каби йирик шаҳарларни қуршаб олганлар.

(ТАСС).

ЯНГИ «ИКАРУСЛАР»

БУДАПЕШТ (ТАСС). Будапештдаги «Икарус» корхонасининг коллективи бу мухим воқеага қизғин тайёрланди. Бу ерда шаҳарларда йўловчилар ташийдиган қўшоқ автобуснинг янги моделини Совет Иттифоқи буюртмачиларига топшириш маросими бўлди.

Венгрия корхонасининг маркаси қўйилган пухта ва қўркам машиналар Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар шаҳарлари ва қишлоқларининг кўчаларида кўпдан бери қатнаб келади. Венгрия Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида мана шу маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ихтисосланиши натижасида ҳар йили тайёрланадиган автобусларни 14 мингтагача етказиш ва шу соҳада дунёда етакчи мавқени эгаллашга имкон берди.

Ахборот

ПАХТАКОРЛАР МИННАТДОР

Бугун Калинин номли совхоз 2-бўлимидаги дала шийпони одатдан ташқари гавжум. Бир ёқда савдо ва маиший хизмат кўчма дўконлари ишлаб турибди. Бир ёқда пахтакорлар медицина кўригидан ўтказилмоқда. Шийпон тўрида эса «Армуғон» ансамблининг бадиий ҳаваскорлари махсус концерт программасини намойиш қилмоқдалар. Айниқса, ансамбль иштирокчиларидан М. Халилов, Л. Розиқова, М. Раҳмоноваларнинг чиқишлари дала меҳнаткашларида катта таассурот қолдирди. Ана шундай мазмунли дам олишдан сўнг бўлим ишчилари одатдагидан кўпроқ пахта хирмони уйдилар.

Хўжаобод район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими ташкил этган «Агитпоезд-84» составида лекторлар, медицина, маданият, маиший хизмат ва савдо ходимлари бор. Улар белгиланган график бўйича район хўжаликларида бўлиб, пахтакорларга беминнат хизмат кўрсатишяпти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВА.

ЮБИЛЕЙ ФОТОЛАВҲАСИ

● **Республика «Билим» жамияти қошидаги кўрсатмали агитация воситалари ишлаб чиқариш фотостудиясининг ижодий коллективи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил қилинганлигининг 60 йиллик юбилейига атаб махсус фотолавҳалар ишлаб чиқарди.**

22 бетдан иборат бу фотолавҳаларда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг ташкил этилганлиги, 60 йил ичида ўзбек халқининг босиб ўтган тарихий йўли, СССР халқлари қардошлик оиласида санъат, қишлоқ хўжалиги ва маданият соҳасидаги катта ютуқлар акс эттирилган.

Республика касаба союзлари ташкилотлари «Билим» жамияти ташкилотлари билан ҳамкорликда колхоз-совхозлар ва фабрика-заводларда юбилейга аталган бу фотолавҳалар билан клуб, муассасаларни безаб, худди шу темада лекция, суҳбатлар уюштирмоқдалар.

Ҳозирги вақтда 2185 та ташкилот ва колхоз-совхозда юбилейга бағишланган фотолавҳалар клуб, дала шийпонларини безаб турибди.

А. НАБИХЎЖАЕВ, «Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/Х да Иоланта, 17/Х да Севгига севги билан, 18/Х да Травиата.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/Х да Ғийбат, 18/Х да Аризасига кўра.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА —17/Х да янги мавсум очилади. СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИ ИШТИРОКИДА ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ КАТТА ПРОГРАММА (19.30).

Ўзбекистон ССР Социал таъминот министрлиги республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер, 1940 йилдан КПСС аъзоси Эргаш СОИПОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Прокуратураси коллективи республика собиқ прокурори Курбон Рўзметович РЎЗМЕТОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 9.50 — Уфқ. 10.50 — Қадрдон иш. Бадиий фильм. 12.10 — Телефильм. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Концерт. 16.40 — Фильм-концерт. 17.25 — Буратино кўргазмаси. 17.55 — Ҳужжатли фильм. 18.05 — Концерт. 18.30 — Фан ва турмуш. 19.00 — Кувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Сиз яратган бог. 20.00 — Мультфильм. 20.25 — Қора учбурчак. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Хоккей. «Спартак» — «Химик». 24.00— Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. 00.15 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Телефильм. 11.55 — Шахмат мактаби. 12.25 — Илмий-оммабоп фильм. 16.20 — Дунё ва ёшлар. 16.55 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 19.20 — Концерт. 19.45 — ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Кольцов ҳақида қўшиқ. Бадиий фильм. 23.30 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Болалар учун фильм. 11.20 — Телефильм. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Телефильм. 12.30 — Ўқув программаси. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Қизиқарли учрашувлар. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.55 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Камера фош этади. 23.20 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 17.00 — МОСКВА-II. 18.10 — Ўқув программаси. 18.40 — Момо ер. Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Ўқув программаси. 21.00 — Телефильм. 21.30 — МОСКВА-II.

17 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.35 — Концерт. 10.00 — Қора учбурчак. Бадиий фильм. 1-серия. 11.05 — Саёҳатчилар клуби. 12.05 — Телефильм. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Концерт. 17.05 — Драматургия ва театр. 17.50 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 18.20 — Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони С. И. Руденко билан учрашуви. 19.05 — Мультфильм. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Дунё ва ёшлар. 20.05 — Телефильм. 20.25 — Қора учбурчак. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Биргалашиб куйлайлик, дўстлар. 23.45 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 11.05 — Антарктидага командировка. 4-кўрсатув. 12.05 — Сиз яратган бог. 14.40 — Билимимиз — кудратимиз. 16.25 — Илмий-оммабоп фильм. 16.45 — Фан ва турмуш. 17.15 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Онамларнинг мактаби. 19.20 — Концерт. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.50 — Ҳаётга йўлланма. 21.30 — Время. 22.05 — Жавобсиз қолган севги. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот. 10.25 — Темур ва унинг командаси. Бадиий фильм. 1-серия. 11.30 — Ўқув программаси. 12.00 — Сўз кетидан, сўз келар. 12.20 — Инсон ва табиат. 13.00 ва 18.00 — Янгиликлар. 18.15 — Мультфильм. 18.35 — Тенгдош. 19.10 — Республика шолипояларида. 19.30 — Ахборот. 19.50 — Халқ контроли экрани. 20.20 — Телефильм. 20.30 — Ахборот. 20.55 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Ишлик. Студентлик — «оқ олтин» даврим. 23.45 — Халқаро аҳвол кундалиги.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 17.20 — МОСКВА-II. 18.10 — Ҳужжатли фильм. 18.10 — Музикали фильм. 20.00—Янгиликлар. 20.20 — Ўқув программаси. 21.00 — Тошкентнинг 435 минг тонна «оқ олтини» учун. 21.30 — МОСКВА-II.

РАДИО

16 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 Радиотингловчилар таклиф этган программа асосида концерт. 9.30 — Дўстлик байроғи. Радиопрограммаси. 12.10 — Ишчинома. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — «Оқ олтин»га аъло сифат. 18.15 — Фан уфқлари. 18.30 — Музикали танаффус. 19.25 — Ишлик. 21.00 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. 21.20 — Пахтакорлар, Сиз учун. 22.30 — Мадҳи торим авжида. 23.10 — Футбол бўйича СССР чемпионати (II лига).

17 ОКТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон Давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамбли ижро этади. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — Инсон ва қонун. 11.35 — ЎзССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Боғбонлар — республика юбилейига. 19.25 — Қармоқ. 21.00 — Шеърият кечаси. 21.20 — Пахтакорлар, Сиз учун. 22.30 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 23.15 — Сайқал.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.



Редакция адреси ва телефонлар: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Р. — 20124. ИНДЕКС 64563. Б. — 238.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12